

Боқий фикр

Хар қайси давлат,
хар қайси миллат
биринчи навбатда
ўзининг юксак
маданияти ва
маънавияти билан
кучлидир.

Ислом КАРИМОВ



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2012-yil 19-sentabr, chorshanba № 75 (8516)

Yuksak ma'naviyat — yengilmas kuch

МУХЛИСЛИК МАДАНИЯТИ —
ТОМОША КЎРКИ

Футбол — дунёдаги энг оммавий спорт турларидан бири. Бугунги кунда жаҳон миқёсида минглаб футбол клублари фаолият юритмоқда. Уларнинг ҳар бири ўзининг миллионлаб мухлисларига эга. Шу боис футболни “миллионлар ўйини” деб ҳам атайдилар.

Давлатимиз раҳбарининг футболни ривожлантиришга қаратаётган доимий эътибори мамлакатимизда ушбу спорт турини равақ топтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 1 майда қабул қилинган “Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига биноан Футболни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тузилди. Бугун ушбу жамғарма томонидан болалар ва ўсмирлар футболни ривожлантириш, янги ўқув-машғулот масканлари, сунъий қопламали майдонларни барпо этиш, футбол мактаблари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида улкан ишлар амалга оширилаётир.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 19 январда қабул қилинган 2011—2013 йилларда республикада футболни ривожлантириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чора-тадбирларга оид қарори асосида ушбу спорт тури билан шуғулланувчилар учун замонавий шарт-шароитлар яратилаётир.

Энг улғу ва энг азиз айём — Мустақиллигимизнинг 21 йиллик байрами арафасида қуриб битказилган “Бунёдкор” стадиони бу борадаги эзгу ишларнинг амалдаги юксак ифодаси бўлди.

Ушбу янги иншоот билан танишган Президентимиз томошабинлар маданияти хусусида алоҳида тўхталиб, халқимизнинг гўзал фазилатлари мана шундай стадионларда ўтказиладиган футбол учрашувлари, турли спорт мусобақаларида ҳам намоён бўлиши керак, ким қайси жамоа ёки футбол клубига мухлислик қилишдан қатъи назар, унда ўзаро ҳурмат, юксак маданият бўлиши лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Бу масала бугунги кунда 209 мамлакат футбол федерацияларини бирлаштирган Халқаро футбол уюшмалари федерацияси — ФИФА олдида ҳам долзарб бўлиб турибди. Чунки футбол жаҳон бўйлаб кенг ривожлангани сари “фанатизм”, “ирқчилик”, “футбол безорилари” каби хунук одатлар илдиз отаётгани сир эмас.

(Давоми 7-бетда.)



Ўқувчининг бўш вақти

спорт тўғрисида мазмунли ўтмоқда

Таълим муассасаларидаги ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ҳамда спорт мажмуалари имкониятидан самарали фойдаланиш мақсадида Тошкент шаҳрида жами 253та спорт мусобақаси ўтказилиб, 69 910 нафар ўқувчи жалб этилди.

15-бетга қаранг.

ХУЛКАР — ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ФОЛИБИ

Тошкент давлат шарқшунослик институти битирувчиси Хулкар Эрдонова Жанубий Корея пойтахти Сеулда ўтган “Кореяни билиш танлови”да биринчи ўринни эгаллади.



Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг чуқур билим олиши учун улкан эътибор қаратилаётгани ўз самарасини бермоқда. Буни ўзбекистонлик талабаларнинг юксак интеллектуал салоҳияти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 20 йил тўлди. Шу йиллар давомида мамлакатларимизнинг дўстлик, ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаат-

дорлик асосига қурилган сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий соҳалардаги муносабатлари янада мустаҳкамланди. Корея тили ва маданиятини билиш бўйича халқаро танловнинг саралаш босқичлари мамлакатимизда ҳам ўтказилгани яқин ҳамкорлигимизнинг яна бир далолатидир.

Мазкур танлов Корея Республикаси Ташқи ишлар ва савдо вазирлиги, Кореянинг “KBS” телекомпанияси ва “Korea Foundation” гуманитар ташкилоти томонидан ҳорижий мамлакатларнинг олий ўқув юртлари талабалари учун ҳар йили ўтказиб келинмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

1-oktabr — O'qituvchi va murabbiylar kuni

ТИЛАКЛАР РЎЁБИ

мустақиллик йилларида педагогик том маънодаги шарафли касбга айланди

Бугун жаҳонда таълимга жамият тараққиётини янги босқичга олиб чиқадиган муҳим омил сифатида қаралмоқда. Узокни кўра билиш сиёсати туфайли мамлакатимизда бу жараён мустақиллигимизнинг илк йилларида-ноқ бошланган эди. Ўқув масканларида тўқис шарт-шароитлар яратиш, моддий-техник базани кучайтириш билан бирга, инсон омилига алоҳида эътибор қилинди. Педагог кадрларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш асносида

ўқитувчининг жамиятдаги обрўси ҳам ортиб борди. Ўқитувчилар орасидан давлатимизнинг энг олий унвони — “Ўзбекистон Қаҳрамони”га сазовор бўлиш даражасига қўтарилганлар қўлпи, ҳар йили икки марта — Мустақиллик байрами ҳамда Ўқитувчи ва мураббийлар кунини арафасида ўнлаб устоз-муаллимларимизнинг давлат ордени медаллари билан тақдирланиши ҳам сўзимизнинг исботидир.

(Давоми 2-бетда.)

Қўнғироқ чалингунча
хаёлдан ўтган ўйлар

ёшда боланинг мактабга мослашувида ўқитувчи ва ота-она ҳамкорлиги хусусида



Бир кун 1-синф ўқувчиси ўйнаб кетди. Ортдан борсам, буларнинг бариди ўхшаш ётибди. Аниқгина уйловларимни кутиб ўтирдим. Наҳотки, бола доридан баъзи қочиб кетган бўлса, деган ўй менга тинчлик бермасди.

3-бет

МАКТАБГА НИМА
УЧУН БОРАМИЗ?

Дафтарларини очиб, баҳо қўйилмаганини кўрган болаларнинг ҳафсаласи пир бўла бошлади: «Й-е, менга баҳо қўймаб-сиз-у!» «Й-е, менга баҳо қўймабсиз...». Улар қизил чизик ва ёзувларга умуман эътибор беришмади.



10-бет

БОҚИЙ ҚЎШИҚ

Аллани қачон ва қандай оҳангда қўйлаш керак? Албатта, бола ҳаётининг илк кунларидан бошлаб унинг вужуди-га сингдирилган алланинг аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Бу қўшиқни бола улғайиб, 13-14 ёшга етган паллада ҳам тўхтатмаган маъқул.

14-бет

ХУЛКАР – ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ГОЛИБИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Танлов иштирокчиларидан нафақат корейс тилини тушуниш ва унда сўзлаша олиш, балки Корея Республикаси, унинг тарихи ва маданияти ҳақида ўз билимларини намойиш этиш ҳам талаб қилинади. Танловда Х.Эрдонова айнан ушбу фазилатларини ёрқин намойн этди. Мамлакатимизда ўтказилган саралаш босқичида 117 нафар иштирокчи орасида голиб чиққан Хулкар Сеулда бўлиб ўтган финал босқичида Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилди. Ушбу якуний босқичда дунёнинг 23 давлатидан қатнашган рақибларидан устун келди.

Хулкарнинг айтишича, танловнинг финал босқичи ўтказилишдан бир hafta олдин барча иштирокчилар учун Жанубий Кореянинг турли шаҳарларига уюштирилган саёҳат давомида улар корейс халқининг аънава ва урф-одатлари, турмуш тарзи билан яқиндан танишиб, турли соҳалар бўйича қўшимча билимларга эга бўлганлар. Айниқса, у суҳбатлашган одамларнинг Ўзбекистон, буюк аждодларимиз, юртимиздаги диққатга сазовор жойлар ҳақида кўп маълумотларга эга эканликлари ва Ўзбекистоннинг катта салоҳиятини алоҳида таъкидлашгани Хулкарда ўчмас таассурот қолдирган.

— Бундай пайтларда Ўзбекистонимиз билан чин юракдан фахрланимиз ва галабага бўлган интилишим янада мустаҳкамланди, — дейди Хулкар Эрдонова.

Танловнинг финал босқичи бир неча раунддан иборат бўлиб, ҳар бир раундда энг кўп очко тўплаган иштирокчи саралаб борилди. Бош соврин учун уч номзод орасида Хулкар Эрдонова ҳам бор эди! Унинг бу пайтдаги ҳаяжонини тасаввур қилиш қийин эмас.

Танловда галаба қозониб Хулкарга том маънода шон-шухрат келтирди. Кореянинг "KBS" телекомпанияси халқаро интеллектуал "Кореяни билиш танлови" ҳақида туркум кўрсатувлар тайёрламоқда. Уларда ҳамюртимиз Хулкар Эрдонованинг муваффақиятига алоҳида эътибор қаратилади. У бундай шарафга ҳар томонлама муносибдир. Негаки, Хулкарнинг билим олиш ва янги чўққиларни забт этишга бўлган интилишлари рўйбга чиқди.

— Биз ёшларнинг чуқур билим ва кўникмаларга эга бўлишимиз йўлида яратиб берилган барча шарт-шароитлар учун давлатимиз раҳбаридан чексиз миннатдоримиз, — дейди Х.Эрдонова. — Бу галабага эришишимизда Юнусовдор хорижий тиллар академик лицейи ва Тошкент давлат шарқшунослик институтида менга сабоқ берган устозларимнинг ҳиссаси катта. Ниятим — келажакда ўзбек ва корейс тилларининг қиёсий лингвистикаси соҳасида юқори малакали мутахассис бўлиб этишиш, илмий ишлар ёзиш, Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришга ўз ҳиссамни қўшишдир.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎзА мухбири

ТИЛАКЛАР РЎЎБИ

мустақиллик йилларида педагогик том маънодаги
шарафли касбга айланди

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Истиклолнинг 21 йиллиги муносабати билан мукофотланган ҳамкасбларимиз қаторида наманганлик меҳнат таълими фани ўқитувчиси Орифжон Аҳмадалиев ҳам бор. «Шухрат» медали соҳиби ҳақида мақола тайёрлаш мақсадида Уйчи томон отландик. Йўл босиб бораётганимизда, ҳаёв бошқа ўй билан банд: Орифжон Аҳмадалиев қандай инсон экан? Тасаввуримда соҳинга оқ оралаган, ёши улғайиб қолган одам сиймоси гавдаланаверди. Ахир, эл-юрт эътирофи, айниқса, юксак мукофотга муносиб қўрилган инсон шундай бўлади-да...

Уйчи туманидаги 1-мактаб директори Дилором Саидзимова билан учрашиб, муддаони айтганимиз заҳоти опа бир гуруҳ ўқитувчилар даврасида турган йиғинга ишора қилди:

— Мана шу киши Орифжон Аҳмадалиев бўлади.

Қаршимизга пешвоз юраётган ўқитувчи қараб, тасаввурим нотўғри чиққанидан андак хижолат чекдим. Орифжон аини ишлаб чарчамайдиган паллага қадам босгани шундоқ кўриниб турарди.

— 5-синфда ўқиётганимизда Солихон Хусанов деган меҳнат ўқитувчимиз ёнига чақириб, ўқишим, баҳоларим, қизиқишим ҳақида сўради. Дурадорлик, ёғоч ўймакорлигига иштиёқим борлигини сезиб, шу йўналишдаги тўғаракка аъзо қилиб қўйди. Мактабни таълимлашга устоздан кўп нарсаларни ўргандим. Солихон

домла агар хоҳласам, мендан яхши муаллим чиқиши мумкинлигини таъкидлади. Маслаҳат маъқул келди... Институтни битиргач, бир неча йил устоз билан ёнма-ён меҳнат қилдик.

Тажриба, маҳорат ҳеч жойда сотилмайди, балки меҳнат, интилиш, изланиш эвазига эришилади. Орифжон шу йўлдан борди. Кўп ўтмай, туманининг энг пешқадам муаллимлари сафидан ўй олди. Айтишга осон! Бироқ ёш ўқитувчи ўша кезлари қандай қийинчиликлар кўрганию, қандай заҳматлар чекканини ёлғиз ўзи билади.

— Орифжон бола қалбини теран тушунади. Истеъдоднинг йилт этган шуъласини сездим, ўша ўқувчи унинг учун ноёб топилмага айланарди. Ўз боласидан-да кўпроқ меҳр, эътибор, вақт ажратишга интилади. Мана, нима учун ўқувчилари Орифжон домлари яхши кўришади, — дейди туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими бош услубчиси Баҳромжон Ғайбуллаев.

Мактабнинг меҳнат таълими устахонасидами. Замонавий ёғочсозлик ва металл ишлов бериш дастгоҳларидан тортиб, номини мен билмайдиган асбоб-ускуналаргача мавжуд. Батартиблик ва саришталик ҳукмрон устахонага кираверишда дурадорлик, тунуқасозлик, ўймакорлик ва наққошлик, йиғчилик намуналари ва буюмларидан иборат мўъжизага кўргазма диққатин-

гизни тортади. Барчаси шу ерда таълим олиб, касб-ҳунар сирларини ўрганган ўқувчилар қўли билан ясалган. Айримлари вилоят ва мамлакат микёсидаги танлов ҳамда фестивалларда намойиш этилган, соврин олган.

Узоққа бормаёлик, шу йилнинг ўзида Маъруф Турғунпулатов, Дилмурод Ғамбардиев, Ҳасанбой ва Ҳусанбой Тоҳиржонов "Энг иқтидорли ўқувчилар" кўрик-танловининг вилоят босқичида голиб чиқди. Шогирдлар қўлида сайқал топган буюмлар "Ташаббус—2012" кўриғида ҳам рағбатлантирувчи мукофотга сазовор бўлди.

— Юртимизнинг эртанги эгалари учун яратилаётган шарт-шароит, имкониятлардан қувонаман, — дейди Орифжон Аҳмадалиев. — Баркамол авлодни тарбиялашдек эзгу ниятларни рўйбга чиқаришимизда биз мураббийларга шахсан Президентимиз раҳнамолик қилаётир. Мустақиллик йиллари педагогик том маънода шарафли касбга айланди.

Орифжоннинг таъбири билан айтганда, мукофот унга янги масъулият юклатди, ўзига ишончини мустаҳкамлади. Дилда янги орозулар уйғонди. Очиғи, келгуси режалар ҳақида сўрашни лозим топмади. Мавриди келганда, яна ҳам аниқроқ, эзгу тилакларини амалга ошириб, меҳнати самараси улуғланган мана шундай фарахбахш онларда яна ўзи гапириб беради.

Ғанишер АҚБАРОВ,
«Ma'rifat» мухбири

ҚИЗИҚАРЛИ ТЎГАРАКЛАР

ёхуд бир оппадан уч нафар аъзо

Ochiq eshiklar kuni

«Ёшлиқда олинган билим — тошга ўйилган нақшдир» деган халқимизнинг пурмаъно ҳикмати бежиз айтилмаган. Айниқса, ўсмирлик ёшидаги ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларни турли касб-хунар тўғаракларига жалб этиш муҳим масала.

Янги ўқув йили муносабати билан «Баркамол авлод» республика болалар техник ижодиёти марказида «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» шиори остида «Шодлигимиз бир олам» мавзусида «Очиқ эшиклар кун» тадбири бўлиб ўтди. Ўқувчиларнинг техник йўналишдаги тўғаракларга қизиқишларини янада ошириш мақсадида ташкил қилинган мазкур тадбир аввалида ёшларнинг ижод намуналари намойиш этилди. «Мунчоқли безак» тўғараги аъзоси, 217-мактаб ўқувчиси Коми-



ла Абдуғаниева бу тўғаракка бир йилдан буён қатнаш экан. Комила яратган мунчоқли буюмларни томоша қиларканмиз, онаси Наргиза Абдуқаймова суҳбатимизга қўшилди. Унинг айтишича, қизи илк бор онаси Мухлиса билан «Тўқш» тўғарагига бориб қизиқиб қолган. Бугунги «Очиқ эшиклар кун»да оиланинг

кенжа қизи ҳам «Ёш мусаввир» тўғарагига аъзо бўлибди.

Тадбирда марказдаги тўғараклар аъзолари иштирокида Ватан ҳамда бахтли болаликни тараннум этувчи шеър ва қўшиқлар куйланди. «Турон» спорт жамоасининг кўргазмали чиқишлари, «Авиамодел» тўғараги аъзолари томонидан планерларнинг учирлиши ўқувчиларнинг тўғаракларга қизиқишини оширди.

— Менга «Авиамодел» тўғарагининг фаолияти ёқди. Ота-онам билан маслахатлашиб шу тўғаракка аъзо бўлман, — дейди 101-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Рустам Латипов.

Байрам тадбиридан бир олам завқ олган ўқувчиларга мавжуд тўғараклар ҳақида маълумотлар берилди ҳамда қизиқувчилар тўғаракларга аъзо қилинди.

«Баркамол авлод» республика болалар бадий ижодиёти марказида ҳам «Очиқ эшиклар кун» кўтаринки руҳда ўтказилди. Тадбирда пойтахтимизда жойлашган 46 та умумтаълим мактабидан 1500 нафарга яқин ўқувчилар, юзга яқин ота-оналар ҳамда ўқитувчилар иштирок этди. Уларни марказ фаолияти билан яқиндан та-

ништириш мақсадида тўғараклар фаолияти ҳақида маълумот берилди, 20 нафар иқтидорли, ижодкор халқаро ва республика танловларида голибликка эришган ўқувчи-ёшлар билан бевоқиф суҳбат ва тўғарак хоналарига саёҳат уюштирилди. Марказ қошида ташкил этилган ҳар бир тўғарак хонасида энг сара ижод намуналаридан иборат кўргазма ташкил этилди.

Назокат ХОЛМЕТОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Тошкент вилояти «Баркамол авлод» болалар марказида ўтказилган «Очиқ эшиклар кун»да ўқувчиларнинг бўш вақтларини янада самаралироқ ўтказиш учун барча шароитлар яратилганига гувоҳ бўлдик.

— Муассасамиз барча ўқувчилари, тўғарак машғулотларида фойдаланиш учун асбоб-анжомлар, компьютерлар билан таъминланган, — дейди марказ директори Музаффар Тўлаганов. — Бугунги тадбиримиз ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарини яратилган қўлайликлар, таълим жараёнидаги ўзига хосликлар, янги очилган «Ёш журналист», «Фотодизайн», «Компьютер сервис хизмати» тўғараклари билан яқиндан таништириш мақсадида ташкил этилди.

Даврон СУННАТОВ

Соат 8:15. Ўн беш дақиқадан сўнг кўнғирок чалиниб, дарс бошланади. Мактаб дарвозаси олдидаги жажжи ўғил-қизлар ота-оналари ҳамроҳлигида устозларини кутишмоқда. Ўқитувчи чиқиб, ўқувчиларни бирма-бир сафлантриб, синф томон йўл бошлади.

Ортга бир-бир қараб кетаётган, онаси олдида йиғлаб югуриб келган БОЛА:

— Сиз ҳам мен билан синфга кириңг. Кечгача соғиниб қоламан. Устозим яхши гапирадилар, эркалайдилар, янги дўстларим ҳам кўп. Лекин бир жойда кўп ўтиролмайман, зерикаман, уйкум келади, — дея онасини кучоқлаб олди. Боласига далда бериб, синфга кузатиб қўйишгач, эшик тирқишидан мўралаб турган онани кўриб, ушбу сатрларни эсладим:

“... Бир куни мактабга комиссия келиб қолди. Бир эмас, тўрт киши орқа партага бориб ўтиришди. Ўқитувчи опамиз дарс ўтатиш-ю, ҳаяжондан овози титирайди. Синф жимжит. Шу пайт дераза шарақлаб очилди-да, Зеби холяни айвон овози эшитилди:

— Вали, ма нон!

Ҳаммамиз ўша томонга қарадик, Валининг сариқ юзи оловдек ёниб кетди. Нима дейишни билмай нукул “Кетинг”, деб имлайди. Зеби хола бўлса деразадан иккита арпа нон узатиб турибди...”

Ўткир Хошимовнинг “Дунёнинг ишлари” хиссаси ҳаёлимдан ўтиб турганда синфдан узоклашайтган ОНА:

— Болам ҳали ёш-да, мактабга мослашишни қийин бўляпти. Тагиним, устозни барака топсин, ширин сўзини қанда қилмайди. Бўлмаса, бу болаларнинг 45 дақиқа дарсда ўтириши амримаҳол эди. Шунда ҳам дарс пайтида қорни очиб, уйқуси келиб қолган кунлари кўп бўляпти. Баъзи оналар билан бирга



Кўнғирок чалингувчи ҳаёлидан ўтган ўйлар

ёхуд боланинг мактабга мослашувида ўқитувчи ва ота-она ҳамкорлиги хусусида

масъулият эканини болалар синфга кириб, партага ўтирган захотиёқ хис қилишди. Аммо мактабнинг қонун-қоидалари мактабгача таълим муассасаси кун тартибидан фарқ қилгани боис кичкинтойларнинг янги муҳитга мослашиши осон кечмайди, албатта.

Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги 16-умумтаълим мактабда йигирма беш йилдан буён бошланғич синфларга

ларнинг мактаб ҳаётига мослашишга кўмаклашдим. Бу жараён мен учун бошида жуда оғирдек туюлган эди. Негаки, 1-синф ўқувчиси ҳали болаликнинг шўхликларига эркаликларини унутолмаган, ҳайрату ҳаяжонда бўлади. Улар мактабга осон ва тез мослашиши учун 45 дақиқа мобайнида ўтиладиган мавзу, машғулотлар, топшириқлар учун ҳар бир дақиқани тақсимлаб, режалаштириб олардим.

Бола билан бола бўлиб гаплашиб, уларга энг яқин дўст, вақти келганида эса, талабчан устоз эканини сингдириб борамаман. Дарс давомида толиқиб, эриқиб қолмасликлар учун турли ўйинлар ўйнатиб, шу аснода қандай дунёқараш эгаси эканлигини аниқлаб оламиз. Иш жараёнида бу усул менга катта ёрдам беради. Бундан ташқари, 1-синф ўқувчисининг мактабга мослашишида ота-оналарнинг, оиланинг ҳам ўрни катта. Уйга берилган вазифаларни бажаришда болага кўмаклашиб, жажжи ўғил-қизлар калбида мактабга меҳр уйғонади. Бундай болаларга ўқиш осондек туюлади. Аксинча вазиятда эса ўқувчи уй вазифаларини тайёрлашга қийналади, устози, тенгдошлари олдида изза бўлишдан қўрқди ва бундай болалар бора-бора мактабдан беэа бошлайди. Шу боис ота-оналар билан доимий алоқа ўрнатганман.

Жамила опа ўқувчилари орасида 6 ёшли болалар ҳам борлигини айтиб ўтди. Улар ташхис маркази мутахассислари томонидан кўриқдан ўтказилиб

қабул қилинса-да, мактабга мослашиш жараёни 7 ёшли болаларга қараганда қийинроқ кечар экан. Республика ташхис маркази директорининг биринчи ўринбосари Камолиддин Жўрабоев бу борада шундай дейди:

— 1-синф ўқувчиларининг айримлари мактабгача таълим муассасасида, баъзилари эса оила шароитида тарбияланган бўлади.

Ўқувчиларнинг мактабга мослашишида, энг аввало, синф раҳбарлари, қолаверса, ота-оналар, шу билан бирга, мактаб амалиётчи психологари катта роль ўйнайди. Мактабга мослаша олмаётган болалар ташхис маркази томонидан таълим этилган коррекцион машғулотларга жалб этилади...

1-синф ўқувчисининг мактабга мослашуви ҳақида Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 56-мактаб руҳшуноси Наргиза Жалилова шундай фикр билдиради:

— Дунёқараш, фикрлаши, феъл-атвориға кўра руҳшунос эътиборига муҳтож болалар орасида камгап, тортинчок, одамови, жамоага тез мослаша олмайдиганларни кўп учрайди. Мактабга қўника олмаётган ўқувчиларнинг турмуш тарзи, оилавий муҳити, кун тартиби ўрганилиб, ота-оналар ёрдамга чақирилади. Баҳамжияҳатликда

Хулоса ўрнида: Баркамол авлодни тарбиялашда ота-она ва ўқитувчилар ҳамкорлиги, меҳр-эътибори зарурлигини унутмаслик керак. Жажжи ўғил-қизларнинг бир қўлидан устози, бир қўлидан ота-онаси тутса, мактабга тезда мослашиб, қўникиб кетишлари турган гап.

Dolzarb mavzu

музей, театрларга саёҳат уюштириб, бола калбида устозга, дўстларига, мактабга меҳр уйғотишга ҳаракат қилинади...

Психологик адабиётларда бола онги ўқиш, меҳнат, ўйин асносида ўсади, деган ғоя илгари сурилади. 1-синфда ўқиган оналарини эслаганимда, биринчи устозимиз Мухаббат Жўраева ўргатган қўл машқлари, яъни дарс вақтидаги энг яхши кўрган ўйинимиз ёдимга тушаверади:

Бармоқчалар, бармоқчалар,
Чарчаб қолган бармоқчалар!
Ёзиб-чиқиб толиндингиз,
Бироз дам ҳам олингиз!

Шу шеърни барча синфдошлар баралла айтиб, бармоқларимизни очиб-юмиб машқ қилардик. Бироз чалғиб, чарчокларимизни унутиб, бармоқларимизни “ўйнатиб” олишимиз бизга яхши кайфият бағишларди. Орадан анча йил ўтиб, севимли шеъримни Самарқанд вилояти Каттакўрғон туманидаги 28-мактаб директори Азиза Боймуродовадан эшитганимда яна ўқувчилик пайтларимга қайтандек бўлдим:

— Меҳнат фаолиятимни бошлаганимда орзуларим амалга ошди деб қувонгандим. Лекин иш жараёнида болаларни тушуниш учун кўп изланишим кераклигини сездим. Дарс жараёнида уларга турли тил, бармоқ ва кўз машқларини ижартириб, ўзим ҳам ўқувчиларимга қўйишга бола бўлиб кетардим. Бу психологик ўйинлар кичкинтойлар онгига ижобий таъсир қилиб, дарсда зерикмасдан мавзунинг яхши ўзлаштиришга туртки бўлади.

Бир куни 1-синф ўқувчим уйига кетиб қолибди. Ортидан борсам, бувисининг бағрида ухлаб ётибди. Анчагача уйғонини кутиб ўтирдим. Нахотки, бола дарсдан безиб қочиб кетган бўлса, деган ўй менга тинчлик бермасди. Ўқувчим уйғонгач, айб иш қилиб қўйгандек олдимда бошини эгиб тураверди. Секингина қўлидан ушладим-да, мактаб томон етакладим. Уйга сўроқсиз кетиб қолиш мумкин эмаслигини тушунтиратганимда “Эрталаб бувижоним нон ёпаётган эдилар. Иссиқ ноналаридан егим келса-да, мактабга кеч қолмаслик учун кута олмаганимиз”, деди. Эртаси кундан ўқувчиларим учун иссиқ нон ёпиб келадиган бўлдим. Танаффузда барчасига бўлиб берардим. Ҳозир улар билан она-боладек бўлиб қолганимиз. Шу воқеадан сўнг ўқувчининг мактабга мослашишида ўқитувчининг меҳр-эътибори асосий омил бўлиб хизмат қилишини тушуниб етганман.

Гулюз ОРИФЖОНОВА,
«Ma'rifat» муҳбири



мактаб ҳовлисида танаффусга кўнғирок чалинишни кутиб ўтиришимиз. Болаларимиз мактабга мослашиб олгунларича бизнинг ҳам кўнғилимиз жойида тушмайди-да, — деди кулимсираб...

Ота-оналарнинг қиссадаги Зеби хола каби болам дарсда очикмасин, чарчаб қоламсин, дея ташвишланганларича бор. Яқиндагина бочча боласи бўлган, катъий кун тартибига амал қилиб, машғулотлардан чарчаган вақтларида ухлаб дам олган фарзандлари бутун ЎҚУВЧИ бўлди. Бу ном ўзига яраша

сабоқ бериб келаётган устоз Жамила Худойкулова бу йил ҳам 1-синф ўқувчиларини қабул қилди. Ўттиз икки ўқувчини ўз фарзандидек бағрига олган муаллима улар билан индивидуал шуғулланиши, бола калбига осон йўл топиши билан ҳамкасблари орасида хурматга сазовор.

— Хар бир бола — бир дунё, — дейди УСТОЗ ўқувчилари ҳақида тўқинлашиб. — Кўп йиллик фаолиятим давомида турли оилаларда тарбияланган турфа хил феъл-атворли бола-



❖ Тошкентда «Давлатни демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитида фуқаролик жамияти институтларининг жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги иштирокининг самарали механизми: Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар тажрибаси» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Тадбир Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Ҳуқуқ муаммоларини ўрганиш маркази (Тошкент) томонидан Халқаро нотижорат ҳуқуқ маркази (АҚШ), Ф.Эберт номидаги жамғарма (Германия) ва БМТ Тараққиёт дастури кўмағида ташкил этилди.

Форумни ўтказишдан қўлланган асосий мақсад халқаро экспертлар ҳамжамиятини фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида Ўзбекистоннинг стратегияси ҳамда сиёсий-ҳуқуқий тажрибаси билан таништириш, жамоатчилик назоратини амалга оширишда уларнинг амалий иштирокини кўриб чиқиш, "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонун лойиҳасини тақомиллаштиришни муҳокама этиш ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

❖ Нукусда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан жойларда хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, уларнинг жамиятдаги ролини кучайтириш ва оила мустаҳкамлигини таъминлашга қаратилган тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Нукус тумани хотин-қизлар кўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган "Иболи келин" танлови ҳам ана шу эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Танловда турли корхона ва ташкилотларда ишлаётган аёллар одоб-ахлоқ, пазандалик маҳорати, фарзанд тарбияси, чеварлик каби бир қанча йўналишларда ўзаро беллашди.

Халқ банкининг туман бўлими ходимаси Зернегул Елмуратова танлов ғолиби деб топилди.

❖ Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси томонидан маънавий-ахлоқий таҳдидларга қарши кураш самарадорлигини оширишга бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда депутатлар, сиёсатшунос ва олимлар, маънавият тарғиботчилари, таълим муассасалари раҳбарларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, ўқитувчилар, журналистлар қатнашди.

Бугунги глобаллашув даврида турли хорижий интернет каналлари, видеоқлиплар, мусиқа ва фильмлар орқали кириб келаётган миллий мафкурамиз, менталитетимизга зид ғоя ва қарашлар бу борада ҳамisha оғоҳ бўлишни тақозо этади. Айниқса, интернет тармоғида зарур маълумотлар билан бирга, ёшлар маънавиятига зиён етказадиган турли ноҳолис хабарлар, тарихни сохталаштириш, ёшлар онгини заҳарлаш орқали барқарорликни издан чиқаришга интилишлар кучайди.

Давра суҳбатида маҳалла, таълим масканлари ва оила ҳамкорлигини кучайтириш, оммавий ахборот воситалари орқали маънавий тарғибот ишларини кенг ёритишга доир тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

❖ Ўзбек Миллий академик драма театрида бадий ўқиш, сахна суҳандонлиги ва конференсьеллик санъати ижрочиларининг республика кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Тадбир Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази томонидан «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Олтин мерос» жамғармаси, Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилди.

Мазкур ижодий танлов ёш авлоднинг она тилимизга бўлган ҳурмати ва масъулиятини янада кучайтиришда, ушбу соҳада фаолият юритаётган ёшларни рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Кўрик-танловда бадий ўқиш бўйича Маъруфжон Ражабов (Навоий вилояти), сахна суҳандонлиги йўналишида Шаҳноза Рустамалиева (Наманган вилояти), конференсьеллик санъатидан Амирбек Эшназаров, Шахзода Райимбергенова (Қорақалпоғистон Республикаси) биринчи ўринга лойиқ топилди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.

700 нафар битирувчи иш билан таъминланди

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўздонмахсулот» акциядорлик компаниясининг «Тармоқда инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш, махсулот турларини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ва янги иш ўринлари яратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва келгусидаги режалар» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққанлар тизимда ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизациялаш, янги корхоналар ташкил этиш, соҳага инвестиция жалб қилиш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида фикр билдирдилар. Жумладан, 2011 йили жами 31,0 млрд. сўмдан ортиқ қийматли 51та инвестицион лойиҳа амалга оширилган бўлса, 2012 йил якунига қадар инвестиция қиймати 43 млрд. сўмдан ортиши кўтилмоқда. Шу билан бирга, «Ўздонмахсулот» АК 2012-2013 йилларда Германиянинг "Wachtel" компаниясининг 100дан ортиқ технология линияларини олиб келиш ҳамда импорт қилинаётган ус-

Matbuot anjumani

куналарнинг айрим қисмларини ўзимизда ишлаб чиқарилишини ташкил этиш ҳам кўзланган.

Компания томонидан аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, шу йилнинг январь — август ойларида 764та касаначилик ва 70та инвестиция дастурлари асосида иш ўринлари ташкил қилинди. Ушбу иш ўринларини яратиш янги ишлаб чиқариш цехларини қуриш билан бир қаторда бошқа йўналишлар, жумладан, аҳолига хизмат кўрсатиш шохобчалари (озиқ-

овқат дўкони, сартарошхона, тўлов хизмати, ошхона, тикувчилик цехлари, пойабзал таъмирлаш устaxonалари ва бошқалар) очил, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва боғдорчиликни ривожлантириш хисобига амалга оширилмоқда.

— Касб-хунар коллежи битирувчиларини тизимдаги корхоналарда мавжуд бўш иш ўринларига жойлаштириш мақсадида ҳудудий бандликка кўмаклашиш марказлари билан биргаликда "Бўш иш ўринлари ярмарка"лари ўтказилиб келинаёпти, — дейди компаниянинг касб-хунар коллежлари билан ишлаш бўйича мутахассис Зиёвуддин Муқимов. — Натижада 2011-2012 ўқув йилида касб-хунар коллежларини битирган ёшларнинг 700дан зиёди тизим корхоналарига ишга қабул қилинди.

Аброр УМАРКУЛОВ

Kasaba uyushmalari — bolalarga

Озодалик — саломатлик гарови

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан "Касаба уюшмалари — болаларга" акцияси доирасида илк бор мактабга борган ўқувчиларга атроф-муҳит, мактаб, синф хоналарини, шахсий буюм, кийим-кечакларни тоза, озода тутиш қоидаларини етказиш, турли юқумли касалликлар тўғрисида дастлабки маълумотларни тушунтириш мақсадида Олтинқўл туманидаги 8-, 24-, 26-, 38-, 42-, 48- ва 49-умумий ўрта таълим мактабларида "Тозалик ва озодалик — саломатлик гарови" мавзусида дарсдан ташқари тадбир ўтказилди.

Тадбир 1-синф ўқувчилари учун интерфол дарс билан бошланди. Сабқни синф раҳбарлари ва мактаб шифокорлари биргаликда ўтказдилар.

Болалар билан савол-жавоб, кўргазмали воситалар, махсус фильмлар ҳамда мультфильмлар намоиши этиш орқали юқумли касалликларни олдини олишда риоя қилиниши лозим бўлган санитария-гигиена қоидаларини тарғиб этилди.

Мулоқот якунида касаба уюшмалари томонидан совға тариқасида 361 нафар 1-синф ўқувчисига 3 млн. 610 минг сўмлик шахсий гигиенани сақлашга оид жамланмалар ҳамда санитария-гигиена қоидаларини акс эттирувчи стикерлар тақдим этилди.

Ҳамидулло МАТИСАЕВ

Наманганда ёшлар фестивали

Наманган туманидаги 37-умумтаълим мактабида "Ёшлар диний экстремизм ва терроризмга қарши!" шиори остида фестиваль бўлиб ўтди. «Қамолот» ЁИХ туман бўлими ва туман ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган фестивалда ёшлар арқон тортиш, шахмат-шашка, стол тенниси мусобақаларида куч синашди.

Тадбир доирасида мактаб қошидаги тўғарақларда тайёрланган буюмлар ва миллий либослар кўргазмаси ташкил этилди. "Янги авлод", "Келажақ овози" танловлари ва "Нихон" мукофоти совриндорлари иштирокида концерт дастури уюштирилди.

Зарифа АБДУРАХМОНОВА,
Наманган туманидаги 37-умумтаълим
мактаби ўқитувчиси

Хотирада жонланган болалик

Бу йил мактабни битирганимизга 60 йил, ушбу маскан остонасига илк бор қадам қўйганимизга эса 70 йил бўлди. Шайхонтохур туманидаги 45-умумтаълим мактабида ана шу сана муносабати билан синфдошлар йиғилди. Икки қаватли бино бизни қарши оларкан, орзулар оғушида юрган болалик дамларимиз ўз бағрига чорлагандек бўлди.

Хотирамизда бизга сабоқ берган устозларимиз, илм силарини ўрганган паллаларимиз бир-бир жонланди...

Муҳташам бинодаги ўқув хоналарида фарзанду набираларимиз учун яратилган шарт-шароитга гувоҳ бўлиб дилдан шукрона айтдик.

Муқаддас мактаб биносига, 60 йил илгари ўқиган синфхонамизга кирарканмиз, бизни ёш ўқитувчилар ва ўқувчилар ниҳоятда илиқ қутиб олишди.

Тадбирда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи

Тўражон Фуломов, тиббиёт фанлари доктори, профессор Фаффор Насриддинов, физика-математика фанлари номзоди Исмаилов Пулатов сўзлаб берган болалик хотиралари ва архив суратлари ўқувчиларнинг қизиқишига сабаб бўлди. «Мадади Сино» тиббиёт академияси раиси, академик Абдукарим Усмонхўжаев ўқитувчи ўқувчиларга «Сиҳат-саломатлик» журналининг махсус сонини тақдим этди.



Ўқувчилар ёд айтган шеърлар, ижро этган куй-қўшиқлар тадбирга янада файз бағишлади.

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ,
халқ таълими фидойиси

Инсон тилидай мураккаб, серқирра, сервазифа ҳодисанинг муқобили бўлмаса керак. Зеро, тил орқали билим эгаллаб, уни кейинги авлодларга етказамиз. Рухий муносабатларимиз ва фикрларимизни ифодалашда ҳам тилдан фойдаланамиз. Бунинг учун инсонга гўзал нутқ маданияти зарур бўлади.

НУТҚ ЎСТИРИШ — ИЛК ЁШДАН

«Давлат тили тўғрисида» «Таълим тўғрисида»ги қонунлар, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа қўллаб ҳужжатларда маънавий-маърифий тарбия ва унга бевосита боғлиқ ҳолда тил масалаларига алоҳида аҳамият берилган. Ушбу вазифаларни бажаришда жамият аъзоларидан масъулият ва дахлдорлик туйғуси талаб этилади. Инсонда нутқ маданиятини гўдақликдан тарбиялаш муҳим. Шу боис ҳали бир бўғинли сўзларни ҳам гапириб-гапирмайдиган фарзандимиз билан-да ўзаро «сухбат» курамиз. «Агар бир ўғлон онадан туғилса, унга ернинг остидан бир жой қилиб, сут бериб, ул жойда парварши қилсалар, онаси ва дояси гапирмасалар, у ўғлон ҳеч кишининг гапини эшитмаса, улуг бўлгонда лол(соқов) бўлур» («Қобуснома»дан).

Фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайиши, фикри теран, нутқи равон бўлишига узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида эътибор қаратилади. Жумладан, мактабгача таълим муассасаларида бу масалага жиддий ёндашилади. Кичик ёшли болаларда ҳали сўзни идрок этиш қобилияти ривожланмагани боис нутқни ривожлантириш машқлари ҳар бир машғулот мазмунига синдирилган. Харакатли ўйинлар, ҳатто кундалик мулоқот давомида ҳам тарбияланувчиларнинг нутқий кўникмалари шакллантирилади.

— Мактабгача таълим муассасаларида тарбиячининг нутқ маданияти болаларга бевосита таъсир қилиши исботланган. Машғулотларида эртақ, шеър, ҳикоя, топишмоқ, тез айтишлардан унумли фойдаланган тарбиячи тайёрлаган болалар таълимнинг кейинги босқичида ҳам аъло баҳоларга ўқиганини мониторинг натижаларида кузатишди. Болаларнинг ёш хусусиятлари ва қизиқишларини инобатга олган ҳолда янги педтехнологиялар ва мультимедиа воситаларидан фойдаланиш тажрибаси ҳам самара бермокда. Болалар нутқ қоидаларига амал қилиб ёзилган тасвирлар ва овозларни эшитиб, кўрганларидан равон сўзлашга ҳаракат қилишади. Боғча ёшидаги кичкинтойлар қизиқувчан бўлиб, катталарнинг яхши ёки ёмон хатти-ҳаракатларига тақлид қилишади. Табиийки, уллардаги нутқ кўникмалари бевосита тарбиячининг шахсий намунасига қараб шаклланади, — дейди Мактабгача муассасалар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш республика ўқув-методика марказининг бўлим бошлиғи Мавлуда Рустамова. — Кичик ёшли болаларнинг нутқидаги камчиликларини тўғрилаш учун логопед-мутахассислар алоҳида коррекцияловчи машғулотлар олиб боришади. Агар бу ма-

сала долзарб ва аҳамиятли бўлмаганида эди, ўйинқароқ болалар эътиборини сўз ва товушларни аниқ талаффуз этиш томон тортмаган бўларди. Эндигина тили чиқаётган болани тўғри гапиришга ундаб, ўзимиз ўйлаб турган фикримизни тушунтириб беролмасдан, кераксиз тўхталишлар ва

каби малакалари ҳам шакллантирилади. Бухоро вилояти Олот туманидаги 12-мактабнинг бошланғич синфиди дарс берадиган Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Гулолим Жаллиева бу ҳақда шундай дейди:

— Бошланғич синфда нутқ ўстиришнинг энг осон ва фойдали усули сухбатдир. Мулоқот орқали ўқувчида фикрни жамлаб, сухбатдошига етказиш кўникмаси шаклланади. Сўзларни ўз ўрнида қўллаб, синтактик жиҳатдан тўғри гап тузиш, ўйлаганларини тартиб билан баён этишга ўрганади. Сўнгра янги сўзларни аниқ талаффуз қилиб, нутқда қўллаб бошлайди. Ўқитувчи сухбатни

ЎҚИТУВЧИ НУТҚИ РАВОН БЎЛСА...

ёхуд ўқувчида адабий тил меъёрларига амал қилиш кўникмаси қандай шакллантирилади?

ортиқча сўзлар исканжасида қолишимиз кулгили ҳолат, шундай эмасми?

УСТА БЎЛСАНГИЗ-ДА... УСТОЗ БЎЛЛОЛМАЙСИЗ...

Шарқда беш минг йиллар олдин вужудга келган илк мактабларнинг вазифаси болани тўғри гапириб, тўғри ёзишга ўргатиш бўлган. Бу юмуш ҳозир ҳам ўта муҳим саналиб, мактабларда белгиланган стандартлар бўйича билим берилмокда. Барча фанлар негизидан, аввало, боланинг изчил фикрлаши, нутқи ривожланиши ва саводхон бўлишига эътибор қаратилади. Бундан англашмиладики, бошланғич синф ўқитувчисидадан тортиб, жисмоний тарбия мураббийсигача нутқ маданиятига тўлиқ риоя этиши шарт. Қадим Шарқда жисмоний ва нутқий нуқсонга эга инсон бошқа соҳаларда ўз ишининг устаси даражасига етса-да, сабоқ бериш учун толиблар қаршисига йўлатилмаган. Мураббий фикрини чиройли ва тўғри баён этмас экан, шогирдларига намуна бўлолмайди, деб ҳисобланган. Таниқли тилшунос олим Низомиддин Махмудовнинг таъкидлашича, ўқитувчининг асосий қуроли унинг тили, нутқи, бу қурол самарали ишлатиш учун ўткир бўлиши керак. Шунинг учун «Нутқ маданияти» ўқув фанини олий ўқув юрларида фақат филолог-ўқитувчиларга эмас, балки барча бўлажак фан ўқитувчиларига ўқитиш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлардаги таърифга кўра: «Нутқ маданияти тилдан бемалол ва мақсадга мувофиқ тарзда фойдалана олишни таъминлайдиган кўникма, малака ва билимлар мажмуидир». Албатта, аввало, ушбу илмга ўқитувчи-устозлар бекаму кўст амал қилишса, ўқувчиларга ҳам шундай талаб қўйилиши мумкин.

Бошланғич синф ўқувчиларига ҳарфларни ёзиш ва ўқишни ўргатиш баробарида тушунганларини сўзлаб бериш, расм асосида ҳикоя тузиш, матн бўйича баён ёзиш

шунчаки, йўл-йўлақай уюштирмасдан, балки муайян мақсадли мавзуда олиб боргани масқул. Муҳими, мулоқот асносида камида бешта янги сўзнинг маъноси ва гапда қандай қўлланилишини тушунтириш керак. Ўқувчиларнинг сухбатдан олган таассуротларини аниқлаш учун қисқа, қизқарли саволлар берилиши зарур. Жавобларнинг мантиқан бир-бирига боғлиқлигини ҳам назардан қочирмаслик муҳим. Шундагина болалар кичиклигидан ўз нутқига, гапираётган ҳар бир гапига нисбатан масъуллиқ, жавобгарликни ҳис қилади.

ЛУГАТИНГИЗ БОРМИ, УСТОЗ?

«Она тили таълимнинг асосий мақсади, — деб қайд қилинади «Она тили таълими концепциясида», — ўқувчиларда ижодкорлик, мустақил фикрлаш, фикр маҳсулини нутқ шартига мос равишда оғзаки ва ёзма шаклларда тўғри, равон ифодалаш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришдан иборатдир. Кўриниб турибдики, ўқувчининг нутқий саводхонлигини оширишда бутун масъулият мактаб таълими зиммасига тушса-да, асосий залвор она тили ва адабий фанида бўлади. Зеро, бу фан имкониятлари айни масала бўйича бениҳоя кенг ва ранг-барангдир.

— Тилнинг асосий материали сўздир, — дейди Республика таълим марказининг филология бўлими бошлиғи Дилдора Нуриддинова. — Ўқувчиларга, аввало, ҳар бир сўз аниқлашдан маъно ва ёзилиш қонунчилигини тушунтириб беришимиз лозим. Тилни ўргатишда назариядан амалиётга эмас, аксинча, амалиётдан назария томон бориш маъқул йўл саналади. Шунда тилнинг ички қонунчилиги очилади. Бунинг учун бадий асарлардан мисоллар келтириш орқали ўқувчилар билими мустаҳкамланса, оғзаки нутқдаги талаффуз меъёрлари ҳам тиниклашади. Назарий билимлар нутқ амалиёти билан

Мухокима учун мавзу

мустаҳкамланиб, ёзма саводхонлик ҳам ривожланади.

Бошқа умумтаълим фанлари билан интеграциялашган ҳолда дарс ўтиш ҳам мақсадга мувофиқ. Олайлик, информатика фанидан матн териш устида ишланганда ўқувчиларга она тилидан берилган машқларни ёздириб саводхонликни оширади. Нутқ ўстиришнинг бундай амалий материалларини исталган фандан топиш мумкин. Масалан, «Сўз бирикмаси», «Фразеологик бириклар» мавзуларини

лади. Ўқув адабиётлари ва дарсликлар ҳам муайян адабий тил қонун-қоидаларига асосланиб яратилади. Ҳеч бир дарслик бирор шева ёки лаҳжада ёзилган эмас. Афсуски, айрим ўқитувчилар учун дарс жараёнида шевада гапириш одат тусига кирган. Бу синф жамоасининг адабий тилдаги оғзаки ва ёзма нутқи ривожланишига салбий таъсир этади. Агарда педагог дарсни шевада тушунтириб, мавзунини адабий тил меъёрларига кўра талаб қилса, амалий ва назарий уйғунлик йўқолади.

Мавзу юзасидан Хоразм вилояти Янгибозор туманидаги 20-умумтаълим мактаби директори, олий тоифали она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Дилбар Ортикова фикрларига қулоқ тутамиз:

— Мактабимиздаги фан ўқитувчиларидан дарсда адабий тилда гапиришларини ва ўқувчилардан ҳам шунини талаб қилишларини сўрайман. Чунки шева таъсирида сўзларни нотўғри талаффуз қилиш ўқувчилар нутқига салбий таъсир кўрсатиб, ўз-ўзидан ёзма саводхонлигини ҳам пасайтиради. Бундай ҳатоликларни, орфоэпик камчиликларни бартараф этишда она тилидаги машқлардан унумли фойдаланиш, турли хилдаги диққат ёздириб қийин сўзлар луғатини тузиш яхши самара беришига тажрибада амин бўлдим. Қолаверса, ўқувчилар билан маҳаллий шеваини адабий тилнинг талаффуз меъёрлари билан таққослаб ўрганамиз. «Шевага хос сўзлар» мавзусини ўқишда «Саҳна» усулидан фойдаланиб, ўқувчилар нутқда адабий тил қоидаларига риоя қилинишига эътибор бераман. Синфдан ташқари машғулотларда грамматик ўйинлар, шеърый ва нарсрий асарларни ифодали ўқиш, шевадаги сўзларнинг адабий тилдаги муқобилларини топиш каби ўйинлар ташкил қилимиз. Натижада мактабимиз ўқувчиларининг иш ва баён ёзиш кўрсаткичлари вилоят миқёсида ижобий баҳоланаяпти.

Маълумки, ёзма нутқнинг ҳам, оғзаки нутқнинг ҳам ўз хусн-таровати бор. Бу ёзма нутқда хатининг чиройиди, имловий саводхонликда кўринса, оғзаки нутқда эса товушларнинг аниқ ва тўғри талаффуз қилиниши, оҳангнинг ўз ўрнида ишлатилиши, шевадаги сўзлардан холи бўлишида акс этади. Агар ўқитувчи шевадаги маълум бир сўзнинг адабий тилда айтилишини тушунтирмаса, ўқувчи ёзма ҳамда оғзаки нутқда ҳатоликларга йўл қўяди. Шу тариқа мураббийнинг шевага хос дарсидан кўпроқ ўқувчи азият чекади.

ДАРС ҚАЙСИ ШЕВАДА ЎТИЛАДИ?

Ўзбекистон Республикасида таълим етти тилда олиб бори-

Оммавий ахборот воситаларида ҳам шевага хос сухбатларнинг кўпаяётгани, «SMS-хабарлар»нинг саводсизларча ёзилаётгани сабабини технология шиддаткорлик билан бирга, ёшларнинг ёзма ва оғзаки адабий нутқи тўлиқ шаклланишдан излаш керак, назаримда... Мулоҳаза юритаман десангиз, мавзу кўп. Келинг, муҳтарам педагоглар, бу борадаги тажрибаларингиз билан ўртоқлашинг. Нотиклик ва ишро танловлари голиби бўлган ўқувчиларингиз билан қандай иш олиб боргансиз? Унутманг, сизнинг тажрибангиз ҳамкасбларингизга кўмак бўлади.

Насиба ЭРХОНОВА,
«Ma'rifat» муҳбири

Ilg'or pedagogik texnologiyalar

Президентимизнинг 2012 йил 28 майдаги «Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчиларининг педагогик маҳоратини ошириш, хусусан, ўқитишнинг илгор усуллари, ноанъанавий шакллари ўзлаштиришида муҳим аҳамият касб этаётир. **Ҳамкорликда ўқитиш (cooperative learning)** кичик гуруҳларда таълим бериш усули бўлиб, педагогикада жуда кўп вақтлардан бундан фойдаланиб келинади. Ушбу усулнинг гоёси океанотилик педагоглар — Калифорния университетидан Ж.Аронсон, Жон Хопкинс университетида Р.Славин, Миннесота университетидан

билимли ўқувчининг имкониятлари юқори бўлади. У янги материални тезроқ ўзлаштиради. Ўқитувчи машгулотда кўпроқ унга суянади. Қолоқ ўқувчи эса янада ортада қолаверади. Чунки янги материални ўзлаштириш, аниқ тушуниш учун вақт, ўқитувчига савол бериши учун эса журъат етишмайди. У саволларга тез ва ўз пайтида жавоб бера олмайди, бу дарс ритмининг бузилиб, умумий муваффақиятга томон ҳаракатни секинлаштирилади. Бундай ўқувчи ўқув материалларидан фойдаланиб индивидуал ўқиши ҳам мумкин. Унда ўқувчи ўз омади ва омадсизликларига қоришиб, ўз кечинмаларига кўмилиб қолади. Ўртоғининг ишлари қандайлиги уни қизиқтирмайди. Агар мавзунини ўзлаштира олмаса, бу унинг муаммосига айланади.

Таърибаларнинг кўрсатишча, биргаликда ўқиш нафақат қизиқарли, балки самара-

ваффақиятларини кузатиб боришга, зарур бўлганда бутун жамоа билан ёрдам беришга ундайди.

• ҳар бир ўқувчи ўзининг олдинги кўрсаткичларини яхшилаш билан гуруҳига ютуқ балларини келтиради. Бу муваффақиятга эришишнинг тенг имкониятлари дейилади. Солиштириш бошқа ўқувчиларнинг кўрсаткичлари билан эмас, балки ўқувчининг олдинги кўрсаткичлари билан бўлади. Бу аълочи, ўрта ва паст ўзлаштирувчи ўқувчиларга ўз жамоасига ёрдам қилиш учун тенг имкониятлар беради. Чунки олдинги кўрсаткичларини яхшилашга эришган ҳар бир ўқувчи жамоага бир хил рағбат балларини келтиради. Шу тариқа улар ўзларини жамоанинг тенг ҳуқуқли аъзолари, ҳар хил қилиб, шахсий кўрсаткичларини яхшилашга интиладилар.

“Индивидуал-гуруҳ иши” ҳам ҳамкорликда ўқитиш усул-

ҳаракат ўқувчининг фаоллигини таъминловчи омил бўлади. Ҳамкорликда ўқитиш мулоқотнинг барча турларини қамраб олади ва уларга таянади. Амалда у мулоқот жараёнидаги таълимдир. Унда ўқувчилар бир-бирлари билан, ўқувчилар ўқитувчи билан мулоқотда бўлади ва натижада жуда муҳим ҳамкорлик вужудга келади. Бу ижтимоий мулоқотдир, чунки мулоқот даврида ўқувчилар ижтимоий ролларини — лидер, ташкил этувчи, эксперт, изланувчи ва ҳокзаларни бажаради.

Ҳамкорликда ўқитиш усулида ўқитувчининг ҳам роли ошади. Энди унинг вазифаси билим ва таърибаларни ўзлаштириш эмас, балки ўқувчиларнинг мустақил билим олиш, изланиш, ижод қилиш фаолиятларини ташкил этишдир. У ўқувчиларга зарур билимларни

га таъсир кўрсатиши мумкин. Мавзу бўйича ҳар бир ўқувчи алоҳида ва бутун жамоа ҳисоб беради. Охириги босқичда ўқитувчи жамоанинг исталган ўқувчисида шу мавзу бўйича исталган саволни сўраши мумкин.

Биргаликда ўрганиш (Learning together) усули 1987 йили Жонсонлар томонидан ишлаб чиқилган. Гуруҳ билим даражаси бир хил бўлган 3-5 кишидан иборат гуруҳларга бўлинади. Бутун гуруҳга ўтиладиган мавзу гуруҳчалар сонига тенг мавзуларга бўлинади. Ҳар бир кичик гуруҳга битта мавзу вазифа қилиб берилади. Кичик гуруҳ аъзоларининг ва гуруҳнинг биргаликдаги ҳаракати натижасида мавзу тўла ўзлаштирилади.

Усулнинг асосий принциплари:

- бутун гуруҳнинг тақдирланиши;
- индивидуал ёндашув;
- тенг имкониятлар.

Гуруҳ ҳар бир ўқувчининг эришган муваффақиятига қараб муқофотланади. Бу усулда ўқитувчи гуруҳларни ташкил этишга (ўқувчиларнинг индивидуал ва психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда) ва ҳар бир гуруҳ учун вазифаларнинг белгиланишига алоҳида эътибор бериши керак. Бунда:

— ўқувчиларнинг ўзлари гуруҳ ичида ҳар бир аъзонинг вазифасини мустақил аниқлаб олишади;

— умумий вазифани бажаришда ҳар кимнинг ўз улуши бўлади;

— ҳар бир аъзонинг умумий вазифани ҳал этишдаги фаоллиги ва гуруҳ ичидаги мулоқот маданияти мониторинги олиб борилади.

Шундай қилиб, бошланғич дафъ гуруҳ ики хил: бир томондан академик — билим олиш, ижодий мақсадларга эришиш, иккинчи томондан ижтимоий-психологик муносабатлар довомида мулоқот маданиятини ўрганиш вазифасини бажаради. Ўқитувчи нафақат гуруҳлар томонидан мавзунинг ўзлаштирилиши, балки уларнинг ўзаро мулоқот, бир-бирларига зарур ёрдам кўрсатиш усуллари ҳам кузатиб боради.

Ҳамкорликда ўқитиш усули қўлланилганда қатнашчиларни қуйидаги уч омил бир-бирига боғлаб туради:

— ўқувчилар онгли интилан ва улар фақат биргаликдаги ҳаракатлари билан эришлари мумкин бўлган ягона мақсад;

— маълумотлар манбаига боғлиқлик. Умумий вазифани ҳал этиш учун зарур бўлган маълумотлар, гуруҳнинг ҳар бир аъзоси эга бўлган маълумотлар йиғиндисидан иборат;

— рағбатлантириш шаклига боғлиқлиги, яъни ҳар бир ўқувчи иши учун бир хил баҳо олади, ҳамма рағбатлантирилади ёки ҳеч ким рағбатлантирилмайди.

Шу тариқа ўқитувчиларда ҳамкорликда ишлаш маҳорати аста-секинлик билан шакллана боради. Муҳими, бу усул ўқувчиларнинг мустақил билим олиш, изланиш олиб бориш, ижод қилиш қобилиятини ривожлантиради.

Абдуқаҳор ФАНИЕВ,
физика-математика
фанлари номзоди,
доцент

ҲАМКОРЛИКДА ЎҚИТИШ УСУЛИ

ўқувчиларнинг мустақил билим олиш, изланиш,
ижод қилиш қобилиятини ривожлантиради

Р.Жонсон ва Д.Жонсон томонидан батафсил ишлаб чиқилган.

Ҳозирги пайтда бу усул дунёдаги кўплаб педагоглар томонидан такомиллаштирилмоқда. Унинг гоёсини тушуниш учун муаллифлар “хато” сўзининг қандай таҳлил этилишига эътибор беришни маслаҳат беришади. “Хато” — изоҳли лугатда “адашиш”, “янгилиш”, “нотўғрилик” деб талқин қилинган ва бу нотўғри мулоҳаза юритиш, зарур билимларга эга бўлмаслик ва эътиборсизликнинг натижасидир. Калифорниялик педагоглар бунга қўшимча тарзда зарур билим ва маҳоратга эга бўлиш учун қўшимча амалиёт ва машқлар ўтказиш зарурлигини таъкидлашапти. Жумладан:

— ўқувчининг ҳатоси у зарур билимларни эгалламаганини кўрсатади, деб тушуниш хатога факт сифатида қарашдир. Демак, ўқувчига керакли билимларни эгаллаши учун қўшимча билим олиш ва амалиёт ўташ имкониятини бериш керак;

— ўқувчининг ҳатосига билим олишни хоҳламаслиги ва қобилиятсизлигининг натижаси деб қаралса, бундай ўқувчига то у ўзини тартибга олмагунча қўшимча амалиётнинг фойдаси бўлмайди.

Агар ўқувчи вазифани бажаришда хатога йўл қўймаса, демак, у зарур билимларга эга ва бундай ўқувчига қўшимча амалиётнинг кераги йўқ. Қисқаси, хато — ўқувчи билим олишда ёрдамга, қўшимча амалиётга муҳтож ёки муҳтож эмаслигининг кўрсаткичидир.

Ўқитувчи хонадаги ҳар бир ўқувчига бундай ёрдам кўрсата олмайди. Агар ўқувчилар кичик гуруҳларда ишласа, бир-бирларига ёрдам беришни ўрганишча, гуруҳ аъзолари ҳар бир ўқувчининг муваффақиятига жавоб берса, улар бу масъулиятни ўз зиммаларига олишлари мумкин.

Одатда тўла гуруҳ билан суст усулларда дарс ўтганда

ли ҳамдир. Яна бир аҳамиятли томони шундаки, бу самарадорлик ўзлаштиришгагина алоқадор бўлмай, ўқувчиларнинг интеллектуал ва ахлоқий ривожига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Муаммоларни ечишда дўстига ёрдам бериш, муваффақиятлар гаштини бирга сўриш ва мағлубиятлар аламини бирга тортиш ҳам табиий ҳолга айланади. Бу, ўз навбатида, ўқувчиларни ташаббускорликка ундайди ва ижодий фикрлаш қўнималарини ривожлантиради. Хуллас, ҳамкорликда ўқитишнинг асосий гоёси — ниманидир биргаликда бажаришгагина эмас, биргаликда ўрганишдир.

Ҳамкорликда ўқитиш усулининг турли вариантлари мавжуд. Қуйида уларнинг баъзилари билан танишамиз.

Жамоада ўқитиш (Student team learning — STL). Бу усул мавзу устида мустақил ишлаётган ўқувчининг бошқа аъзолар билан ҳамкорликда ишлаганда жамоа эришиши мумкин бўлган муваффақиятга маълум ҳисса қўишга интилишига асосланган.

Жамоанинг ҳар бир аъзоси зарур билимларга эга бўлсин, керакли қўнималарни шакллантирсин ва, шу билан бирга, бутун жамоа ҳар бир аъзонамага эришганини билсин.

Жамоада ўқитиш қуйидаги уч асосий принцинга таянади:

• “муқофотлар” — жамоанинг биргаликдаги фаолияти ҳамма учун битта — сертификат, мақтов, балл ёки бошқа шаклда баҳоланади. Бунинг учун тақлиф қилинган бир хил вазифани бажариш керак. Жамоалар бир-бирлари билан мусобақалашшмайди, чунки барча жамоалар бунга эришиш учун бир хил топшириққа ва вақтга эга бўладилар;

• “шахсий жавобгарлик” — жамоанинг муваффақиятига эришиш ёки эриша олмаслиги ҳар бир аъзонинг муваффақиятига эришиш ёки эриша олмаслигига боғлиқлиги билан ифодланади. Бу барча аъзоларни бир-бирларининг му-

ларидан бири саналади. Бунда ўқувчилар тўрттадан гуруҳларга бўлинади (албатта, турли билим даражасидаги, ўғил ва қизлар). Ўқитувчи янги материални тушунтиради. Сўнгга ўқувчиларга ўтилганларни мустақамлаш учун вазифа ва тегишли кўрсатмалар беради. Вазифа қисмларга бўлиб ҳам (ҳар бир ўқувчи ўз қисмини бажаради) ёки навбат билан (ҳар бир кейинги вазифа навбатдаги ўқувчи томонидан бажарилади) ҳам бажарилиши мумкин. Лекин вазифаларнинг бажарилиши ҳар бир ўқувчи томонидан тушунирилади ва гуруҳ томонидан назорат қилинади. Вазифа барча гуруҳлар томонидан бажарилгандан сўнг ўқитувчи янги мавзу юзасидан тест текширувини ўтказида. Ўқувчилар тест синовларини гуруҳдан ташқари, индивидуал бажаришади. Лекин индивидуал ишининг баҳолари гуруҳлар бўйича йиғилади ва гуруҳларнинг умумий баҳолари эълон қилинади. Шундай қилиб, аълочилар паст ўзлаштирувчилар билан эмас, балки ҳар бир ўқувчи ўз вазифасини яхши бажаришга ҳаракат қилиб, ўз-ўзи билан мусобақалашади ва олдинги кўрсаткичларини яхшилашга ҳаракат қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, гуруҳларни шакллантириш ва уларга вазифа бериш етарли эмас. Ўқувчининг ўзи билим олишни хоҳлаши керак. Донулар айтгандай, “Отни суви бўйига бир киши олиб бориши мумкин, лекин қирқ киши ҳам уни сув ичишга мажбур қила олмайди”. Шунинг учун ҳам мустақил таълимда “мотивация” муаммоси бўйича таълимни ташкил қилиш ва вазифаларни бажариш муҳим аҳамият касб этади.

Психологларнинг фикрича, мазкур усулда ўқувчиларнинг билим олиш мотивацияси одатдаги таълим усулларидагидан анча юқори, чунки гуруҳнинг умумий натижага эришиши учун қилинадиган саъй-

мустақил эгаллаш, олинган маълумотларни танқидий баҳолаш, ҳулосалар чиқариш, уларни асослаш, зарур фактларни билиш, вужудга келган муаммоларни ҳал қилиш ва ижодий фикрлашни ўрганишда ёрдамчига айланади.

Ҳамкорликда ўқитишнинг **Аппа (Jigsaw)** усули профессор Ж. Аронсон томонидан ишланган. Бунда ўқувчилар 4—6 кишидан иборат гуруҳларга бўлинади ва улар мантиқ ёки маъносига қараб бўлинган мавзу қисмлари билан ишлашади. Масалан, “Амир Темурнинг ҳаёти” мавзуси:

Амир Темурнинг ёшлиги;
Амир Темурнинг сийёсий кураш майдонига кириб келиши;
Амир Темурнинг ҳокимият тепасига келиши;
Марказлашган давлатнинг ташкил этилиши;
Мамлакат хавфсизлиги йўлида;

Амир Темур ва Тўхтамиш;
Эрон, Ироқ, Шом, Ҳиндистонга юриш;

Сохибқирон бобомизнинг Ватанимиз ва жаҳон тарихида тутган ўрни.

Гуруҳнинг ҳар бир аъзоси ўз қисмига алоқадор маълумотларни топади. Сўнгга бир хил саволни ўрганаётган, лекин турли гуруҳларда бўлган ўқувчилар ўзаро учрашишда ва шу савол бўйича экспертлар каби маълумот алмашашади. Бунга экспертлар учрашуви дейилади. Сўнгга улар ўз гуруҳларига қайтишдади ва гуруҳнинг бошқа аъзоларини ўзлари билиб олган янгиликларга ўргатишади. Қолганлар ҳам (битта аррнинг тишлари каби) ўзларига алоқадор қисм бўйича маълумотлар беришади. Ўқувчи барча қисмларни ўзлаштириш ва шундай қилиб мавзунини тўла ўзлаштириш учун ўз гуруҳидаги шерикларини диққат билан тинглаши ва эътиборли жойларини дафтарига ёзиб бориши керак. Ўқувчилар эса ўртоқлари ўз вазифаларини виждонан бажаришдан манфаатдор бўладилар. Чунки бу уларнинг баҳолари-

МУХЛИСЛИК МАДАНИЯТИ — ТОМОША КЎРКИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

“Фанат” сўзи латинчада “кўр-кўрона ишонувчи”, “асабий” деган маъноларни билдиради. Мухлислик ниқоби остидаги фанатизмни аслида футболнинг жозибадорлигига путур етказётган, миллатлараро тотувлик ва инсонийликни оёқости қилаётган “оммавий маданият”нинг бир кўриниши, десак муболага бўлмайди. Ачинарлиси, кўпчилик “фанат” сўзининг мазмун-моҳиятини тўла тушунмасдан, мухлислик билан адаштириб юборади. “Мухлис” сўзи эса “ихлос қўйган”, “ишонган” деган маъноларни билдиради.

Фанатларнинг ўзини тутишини, хатти-ҳаракатларини кузатганимиз? Улар футбол пайтида ёки ўйиндан кейин уюштирилган тажовуз ва тўполонларга олдиндан тайёргарлик кўради. Баъзи фанатлар трибунада яланғоч ҳолда баданидаги турли татуировкалари ва тақинчоқлари, бачкана соч турмакларини кўз-кўз этиб, бақир-чақир қилади. Бундай иллатлар ҳали дунёқараши тўла шакланмаган болаларда “футболни севиш шундай бўлар экан-да”, деган тасаввур уйғотиши ва уларни ҳам шу йўлга бошлаши мумкин.

Ашаддий фанатларга барибир: жамоаси ютса, рақиб томонини камситиб жанжал қчкаради, ютқазса аламини бошқалардан олади. Хар икки ҳолатда ҳам иш урийкит ва ёқа йиртишгача боради. Бунинг жабрини эса футбол жамоатчилиги, ҳақиқий мухлислар ва футболчилар тартади.

— Мухлисларнинг қўллаб-қувватлаши футболчиларга куч-ғайрат бағишлайди, ғалабага ундайди, — дейди Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси Одил Аҳмедов. — Лекин бунда ҳам меъёр, маданият бўлиши керак. Ўз жамоасини қўллаб-қувватлайман деб бошқа жамоа аъзоларининг нафсониятига тегмаслик лозим.

Халқаро миқёсдаги учрашувлар, хусусан, футбол клубларининг минтақавий мусобақалари, қитъа ва жаҳон чемпионатларида ҳам фанатлар иштирокидаги тўс-тўполонлар кузатилаётгани мутахассисларни хавотирга солмоқда. Мисол учун, 2010 йилги жаҳон чемпионатидаги омадсизликдан сўнг италиялик фанатлар терма жамоа боши мураббийи Марчелло Липпининг машинасини тошбўрон қилишга уринган. Ваҳоланки, бу таниқли мутахассис 2006 йилда Италия миллий терма жамоасини жаҳон чемпиони қилган эди.

Бугун футбол мутасаддилари майдон ичида ва атрофида тез-тез учраб турган бундай иллатларга қарши курашаётган бўлса-да, муаммони бутунлай бартараф қилиш қийин кечаяпти. Бу ҳолат баъзан инсонлар ҳаётига ҳам зомин бўлмоқда. Шу йилнинг 1 февраль кuni Мисрнинг Порт-Саид шаҳрида мезбон жамоа — “Ал-Масри” ва мамлакатнинг етакчи футбол клуби “Ал-Аҳли” ўртасидаги учрашув оммавий жанжалга айланиб кетди. Фанатлар уюштирган тўполонда етмиш нафардан зиёд одам ҳаётдан кўз юмди, беш юз нафардан кўпроғи турли даражада тан жароҳати олди. Бу пойтахтда ҳам ўз акс садосини берди. Мамлакат футбол федерациясининг миллий чемпионат ўйинларини тўхтатиш ҳақидаги қароридан қазабланган фанатлар пойтахтдаги стадионлардан бирига ўт қўйди. ФИФА эксперти Вальтер Гаг бу оммавий тартибсизликлар олдиндан режалаштирилганини таъкидлади.

Бугун ҳар бир замонавий стадионда мухлисларнинг маданий ҳордиқ чиқариши, дам олиши, чиройли ўйиндан баҳраманд бўлиши учун барча шароит муҳайё. Мамлакатимизнинг йирик шаҳарларида замон талабларига тўла жавоб берадиган стадионлар барпо этилмоқда. Терма жамоаларимиз, олиё ва биринчи лига клублари иштирокидаги учрашувларда фанатизм билан боғлиқ муаммолар кузатилгани йўқ. Аммо бундан хотиржамликка берилиш, бе-парво бўлиш мумкин эмас.

— Биз футболчилар ва мураббийлар билан доимо дўстона алоқамиз, — дейди Ўзбекистон терма жамоаси мухлислари клуби етакчиси Абдурахмон Фозилов. — Байрамлар ва ғалабаларда бир-биримизни табриклаймиз. Мағлубият бўлганда йигитларнинг руҳини кўтаришга ҳаракат қиламиз. Бунга жавобан улар чиройли тўп суриб, мухлисларни хушнуд этишга интилади. Жамоаси ютса мактаб, ютқазса ҳақоратлаб, сўқиниш мухлислик эмас, балки маданиятсизликдир. Бу билан ҳеч нарсасга эришиб, футболни ривожлантириб бўлмайди.

Ўзбекистон терма жамоаси мухлислари клубининг ички низомига кўра, клуб аъзоси рақиб жамоа футболчилари, мураббийлари ва ишқибозларини, учрашув ҳақамларини ҳақорат қилмаслиги, стадионга спиртли ичимликлар истеъмол қилиб келмаслиги, мухлислар клуби билан келишмаган ҳолда бирор баннер ёки плакатларни кўтармаслиги керак. Хорижий мамлакатлардаги сафар учрашувлари чоғида эса ўша давлат қонун-қоидалари ва тартиб-интизомга тўлиқ риоя қилинади.

Президентимиз Ислам Каримов “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарида таъкидлаганидек, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Глобаллашув жараёнлари ҳаётиимизга жуда тез ва чуқур кириб бораётган ҳозирги замонда дунёнинг турли бурчакларида юз бераётган нохуш ва жирканч воқеа-ҳодисалар, хар хил хуружлардан ёш авлодни ҳимоялашнинг энг самарали усули уларнинг онги ва қалбида кучли маънавий иммунитетни ҳосил қилишдир.

Бунинг учун ёш авлодни мухлислик маданиятига ўргатиш, уларда бағрикенглик, ҳамжиҳатлик, сабр-тоқат, дўстлик, мардлик каби халқимизга хос фазилатларни шакллантириш жуда муҳим. Ёшларимиз жаҳон цивилизациясига беқиёс хисса қўшган улуг алломаларимизнинг ворислари, бой маданиятга, эзгу қадриятларга эга халқимизнинг фарзандлари эканини англаса, жамоат тартибига риоя қилишни, одамлар орасида ўзини қандай тутишни яхши билса, бу мамлакатимизда спортни, жумладан, футболни ривожлантиришга хизмат қилади.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси

Барча юртдошларимиз энг улуг ва энг азиз байрамимиз —

«**Fasling eng yaxshi ijodkori**»

Мустақиллигимизнинг 21 йиллик тўйини катта шодиёна ва хурсандчилик билан нишонлади. Ёш авлод таълим-тарбиясига камарбаста ўқитувчи-педагогларимиз эса ушбу айём билан бирга «Билимлар кuni»ни ҳам катта тантана ила қарши олиб янги ўқув йилини бошлашди. Мана, яна бир шодиёна эшик қоқмоқда. 1 октябрь—Ўқитувчи ва мураббийлар кuni умумхалқ байрами арафасида тахририятимизнинг анъанавий «Фаслнинг энг яхши ижодкори» танлови ғолибларини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз. Марҳамат, ёз фаслининг энг яхшилари билан танишинг:

АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Танлов номинациялари номи	Ғолиб материал номи ва эълон қилинган санаси	Ғолиб муаллифлар
“Энг яхши мақола”	«Бобурнома»нинг қайтиши ёхуд бир китобнинг узилмас қарзи (2012 йил 18 июль)	Сирожиiddин Сайид, Ўзбекистон халқ шoirи
“Сермазмун саҳифа”	«Ma'rifat-ga maktublar saҳifasi» (2012 йил 15 август)	Соҳиба Муллаева
“Энг яхши очерк ёки эссе”	Ҳақамлик формуласи: тўғрилик ва ҳалоллик (2012 йил 4 август)	Элмурод Нишонов
“Педагог-муаллифнинг долзарб материали”	Технологик харита: дарс самардорлигига эришишда муҳим аҳамият касб этади (2012 йил 11 август)	Мухайё Каримова, Жиззах шаҳридаги «Умид» ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатининг ўзбек тили фани ўқитувчиси, халқ таълими аълочиси
Танловнинг юқорида келтирилган номинацияларида ғолибликни қўлга киритган муаллифлар тахририятнинг фахрий ёрлиги ва энг кам иш ҳақининг 3 бара-вари миқдоридаги пул мукофоти билан тақдирланади.		
“Қизиқарли интервью, суҳбат”	Маънавий иммунитет ва мустаҳкам оила: улар ўртасида қандай ришта бор? (2012 йил 1 август)	Ойбуви Очилова
“Жозибали сурат”	«Кўёшли» оромгоҳидан олинган сурат-лавҳалар (2012 йил 11 июль)	Владимир Гранкин
“Самарали методик материал”	CASE STADY таълим жараёнини фаоллаштирувчи услуб (2012 йил 27 июнь)	Д.Раззоқов, О.Абдуқуддусов, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими кадрлари малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш институти «Педагогик технологиялар» кафедраси доцентлари, педагогика фанлари номзодлари
“Тарбияга оид амалий таклиф”	«Болам биринчи партада ўтисин!» ёхуд синфдаги хар бир болага биринчи партадан жой топиб бериш имконияти мавжудлиги хусусида (2012 йил 25 август)	Насиба Эрхонова
“Ўқишли бадий асар”	Ор (2012 йил 16 июнь)	Олим Жумабоев
Танловнинг юқорида келтирилган номинацияларида ғолибликни қўлга киритган муаллифлар тахририятнинг фахрий ёрлиги ва энг кам иш ҳақининг 2 бара-вари миқдоридаги пул мукофоти билан тақдирланади.		
“Воқеликка муносиб шарҳ”	Инсон омили: истиқлол, маънавият, тараққиёт (2012 йил 9 июнь)	Ғулom Мирзаев, Республика маънавият тарғибот маркази раҳбари
“Ўзига хос янгилик”	Изланишлардан ихтиролар сари (2012 йил 27 июнь)	Сора Тошева
“Талаба-журналистнинг ёрқин публицистик иши”	Гўзаллик ортидаги қурбонлик (2012 йил 13 июнь)	Д.Мухторова, ЎзДЖТУ талабаси
“Энг сара таржима материали”	Дунёни уч ярим марта яёв кезганда (2012 йил 30 июнь, 4, 14, 21 июль)	Раҳиона Тошлўлатова
“Ҳозиржавоб муштарий” (“Акс-садо”)	Қутулиш эмас, тутилиш (2012 йил 30 июнь)	Шарофат Абдуҳамидова
“Энг яхши репортаж”	«Кўёшли»нинг бир кuni (2012 йил 11 июль)	Ж.Мусаев, Ф.Баҳромов
Танловнинг юқорида келтирилган номинацияларида ғолибликни қўлга киритган муаллифлар тахририятнинг фахрий ёрлиги ва энг кам иш ҳақининг 1 бара-вари миқдоридаги пул мукофоти билан тақдирланади.		

БИР МУАЛЛИФНИНГ ТҮРТ ҚҮЛЛАНМАСИ

Ички ишлар вазирлиги академиясининг тахририят-ноширлик хайъати томонидан иқтисод фанлари номзоди, доцент Шариф Қобилоннинг ижтимоий-сиёсий руҳдаги бир нечта китоби нашрга тавсия этилди ва чоп қилинди.

Маънавий оламни асраш қайғуси

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг гоётада муҳим ва долзарб масалалар ўртага қўйилган «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарини ўрганиш бўйича тайёрланган ўқув қўлланма ўзига хос композицион қўрилмас билан диққат-этиборингизни тортади. Муаллиф ҳар бир мавзунинг узвий боғлиқ жиҳатлари билан жадвалларга жойлаштиради. «Маънавий оламни асраш қайғуси» китоби умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқитган ўғил-қизларимиз, олий таълим муассасалари талабалари, олим ва тадқиқотчилар, ўқитувчилар, ижодкор зиёлилар, кенг жамоатчилик вакиллари, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари, умуман, маънавият ва маърифат олами билан қизиқадиганлар, таълим-тарбия соҳасида фаолият кўрсатаётган барча касб эгаларига иш жараёнида қўл келади.



Мустақиллик ғойибдан келган эмас




Чиндан ҳам шундай. Президентимиз Ислам Каримовнинг ўтган йили «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган «Ўзбекистон мустақилликлари эришиш оstonасида» китобини ўқиб чиққан киши бунга тўла амин бўлади. Шариф Қобилоннинг «Мустақиллик ғойибдан келган эмас...» рисоласи айни шу асарга бағишланган бўлиб, барчамизни ҳозирги ўта нотинч ва таҳликали замонда доимо ҳушёр, огоҳ ва сергак яшашига даъват этади. Ватанимиз тарихида бошланган янги даврни чуқур англаш, бундан зарурий ҳулоса ва сабоқ чиқариш, юртимизнинг қадимий шухрати, бугунги қудрати ва салоҳияти, жаҳон майдонидаги обрў-этиборига ҳар томонлама муносиб бўлиб яшашни ўрганишимиз зарур. Китобда ёритилган мавзуларнинг барчаси мустақиллик ўз-ўзидан келмаганини ўқувчилар онгига сингдириш мақсадини кўзлайди.

Маърузага бағишланган

2011 йил 7 декабрда Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимда нутқ сўзлаган ва бу маъруза барча марказий босма матбуот нашрларида эълон қилинган эди. Муаллифнинг гадида «Ўзбекистон демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнини изчил давом эттириш йўлида» ўқув қўлланмаси ана шу маърузага бағишланган. Рисолада саккизта мавзу чуқур таҳлил қилинган. Маданий-маърифий тадбирларни, тарғиб-бот-ташвиқот ишларини олиб борадиган зиёлилар китобдан унумли фойдаланиши мумкин.



Ўзбекистоннинг тараққиёт йўли



Буюк Соҳибқирон Амир Темури «Азми қатъий, тadbиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тadbирсиз ва лоқайд кишидан афзалдир», дея таъкидлаган эди. Муаллифнинг «Кичик бизнес ва ҳусусий тadbиркорлик — мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий таянчи» ўқув қўлланмасида ана шу пурҳикмат сўз бугунги кунда қандай намоён бўлаётгани шарҳланади. Мустақиллик йилларида ҳусусий тadbиркорлик ва кичик бизнес ўзбек халқи ҳаётига, турмуш тарзига дадил кириб келди. Бу соҳа Ўзбекистоннинг тараққиёт йўли сифатида ҳам эътироф этиляпти.

Ўқув қўлланма ижтимоий-гунманитар ва юридик фанлар бўйича маъруза ва мунозара машғулотларини олиб боришда, аҳолининг турли қатламлари орасида ўтказилар диган учрашув ва мулоқотларда зарурий манба бўла олади.

Хулкар ТҲИМАНОВА

ЯЙЛОВДА ЎҚИЛГАН АСАР

Бошланғич синф ўқувчиси эдим. Ака-опаларимиз мактаб боғидаги ўриндиқларга ўтирганча мутлолаага берилиб кетар. Уларга ҳавас қилардим. Қани эди, мен ҳам тезроқ катта бўлиб, ўшалардек қалин-қалин китобларни ўқисам, уқанларимни завқ билан синфдошларимга ҳикоя қилиб берсам, деб ўйлардим.

Акам ҳар уч кунда кишлоқ кутубхонасидан янги-янги

да ўқисанг ҳам бўларди-ку, — деди. — Тезда молни боқиб кел.

Китобни бағримга босганча далага йўл олдим.

ДОМЛАНИНГ ҲАЗИНАСИ

Талабалик йиллари Раҳматилла Иноғомовнинг сабоқларини тинглаганмиз. Билимдон, кўнгли кенг киши.

— Стипендиямга фақат китоб сотиб олардим, — дерди домла гурур билан. Шунда баъзи бир курс-

ҲЕЧ ЁДИМДАН ЧИҚМАЙДИ...

Тошкент давлат университети(ҳозирги ЎзМУ)нинг биринчи босқич талабаси эдим. Пахта теримидан қайтгач, курсимиз раҳбари беш нафар талабани танлаб олди-да:

— Биламан, сизлар яхши ўқийсизлар, — деди ишонч билан. — Шунинг учун бир ой биология факультетининг янги биноси қурилишига ёрдам берасизлар. Бир ой давомида қурилишда ишлаб машғулот-

КЎНГИЛНИ ЁРИТУВЧИ ҲАЗИНА

бадий асарлар олиб келар, кечалари алламаҳалга-ча мутлолаа қиларди. Китобга бош қўйганча ухлаб қолганини кўп маротаба кўрганман. Баъзан акам уйда бўлмаган пайтлари сумкасини титкилаб, ичидagi китобларни кўрардим: Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Асқад Мухтор сингари забардаст ёзувчиларимизнинг асарлари бўларди.

Кўнглимдаги ҳавас орзуга айланди. Ёзги таътил кунлари кишлоқ кутубхонасига бориб янги-янги бадий асарларни, «Гунча», «Гулхан» журналларини ўқиб бошладим. Улар шууримни бойитиб, қалбимни ёритиб борарди.

Ёдимда. Бир гал мактаб кутубхонасидан Фафур Фуломнинг «Шум бола» қисасини олдим. Асар бошланадиганда мени сеҳрлаб қўйди чоғи, мутлолаага берилиб кетибман. Бир пайт онамнинг овозидан чўчиб тушдим. Ташқарига отилиб чиқдим. Сигиримиз ҳовлидаги ўрик соясида қовшан бўлиб турарди. Мол боқиб навбатни меники эди-да. Онам юмшоққўнғил, болажон аёл:

— Ўғлим, китобни дала-

дошларим «Домла ошириб юборади-да», дея бу гапларни мактанчоқликка йўярди. Бир гал у кишининг хонадонига бордим. Ўшанда домланинг гаплари ҳақиқат эканлигига ишонч ҳосил қилганман.

— Ука, машҳур қирғиз адаби ҳақида эшитгандирсиз, — дедилар домла Чингиз Айтматовнинг китобини қўлига олар экан. — Француз адаби Луи Арагон «Жамила» қиссасига жуда юқори баҳо берган. Ўқиб, таъсирланмасликнинг иложи йўқ.

Шу куни домланинг уй кутубхонасидан Чингиз Айтматов асарларини олиб кетдим. «Жамила» ва «Ал-видо, Гулсари» қиссаларини иштиёқ билан ўқидим. Рухиятим тиниқлашгандек бўлди.

Китобга меҳр ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайдми. Бизрода кимдир бизга йўл кўрсатади. Умримнинг ўтган давларига назар ташлар эканман, устозлар ўғити, йўл-йўриги мен учун катта мактаб бўлганига яна бир бор ишонч ҳосил қилардим. Китоб ўқимасдан келажакка дадил оқимлаш мумкин эмаслигига амин бўларман.

ларда иштирок эта олмайди. Бу пайтда кишики сессия ҳам яқинлашиб қолди. Филология фанлари доктори, марҳум домла Беғали Қосимов дарсларда қатнашмаган талабалар рўйхатини бериб, мавзуларини мустақил ўрганиб, суҳбатига келсин, деб таъинлабди. Орадан уч кун ўтиб, домланинг хонасига кириб бордим. У киши бир нечта савол берди. Жавобларимдан қониқмади, шекилли.

Агар имтиҳонда ҳам шундай жавоб берсангиз, тузукроқ баҳо ололмайсиз, — деди жиддий. — Кўпроқ китоб ўқиб керак, ука.

Яна мутлолаага берилдим. Ярим тунгача керакли асарларни ўқидим. Имтиҳонни биринчи бўлиб топширдим ва «5» баҳо олдим.


— Ўқиса бўларкан-ку, — деди домла кулди. Ана шундай устозлар туфайли китобга ошно тупиндим.

Шу ўринда «Фарзандингизга бирорта бадий китоб олиб бердингизми?» дея ота-оналарни савола туптим келади. Ўғил-қизларимизни гўзаллик оламига етаклаб, эзгуликка ошно этиш ниятида эканмиз, энг аввало, улар қалбига китоб ўқишга бўлган илҳосини қучайтиришимиз керак.

М.ЖАЛИЛОВ

Самарқанд вилояти

ЛАВҲ



моним эмасми, сиёсатни ўйлаган бўлса керак. Адолатли замон келишини ич-ичдан ҳис этиб, «Биз кўролмасак, сизлар кўрасизлар», дерди. Илмий бўлишини, айниқса, тарихни билишини хоҳларди.

Бир кун отамнинг таклифи билан уйимизга ўқимшли кишилар келишди (Тошкент вилоятининг чекка жойи — Тентақсой деган тарафда, ертўла уйларда яшардик). Мен ниҳоятда севиндим, уларнинг хизматида бўлдим. Елиб-югуриб хўрматларини жойига қўйдим. Боис қори, Бўри қори, Сарик қорам бамайлихотир ўтиришиб, аввал бир-икки пиеладан чой ичишди. Сўнг меҳмонлардан бири-бедобидан нима-

МУТОЛАА ЛАЗЗАТИ

Орамизда «Ўткан кунлар» романини ақалли бир марта бўлса ҳам мутлолаа қилмаганлар бўлмас керак. Бу асар кўпчилиكنинг қалб мулкига айланган. Сўз санъаткори деган мактовга муносиб атоқли адабимиз Абдулла Қодирий «Ўткан кунлар» романи тасвирида китобхонни халқимиз ўтмишининг огоҳ этади. Асар сюжетининг мукамаллиги, образлар ўртасидаги зиддиятлар, воқеаларнинг кетма-кетликлари берилиши ҳамда тил ва услубнинг ўта нафис, сержилолиги китобхонни ўзига мафтун қилади.

13-14 ёшлигимда ушбу асарни икки бор ўқиб чиққаннимни эслайман. Ўшанда матсума аёл — Кумушбинининг фожеали ўлимидан таъсирланиб йиллаганман. Абдулла Қодирий ижодида ва ўзбек адабиётида илк роман ҳисобланган ушбу жавоҳир асар мен биринчи ўқиган роман эди.

Бугун ёшим улғайиб, «Ўткан кунлар» романини яна бир бор ҳузур ва соғинч билан ўқиб чиқдим. Ҳар бир саҳифасини гўё ортимдан кимдир қувлаб келаётгандек шошилиб ўқирканман, ўн икки йил аввалига ҳаёжонларим босилиб қолганини ҳис қилдим. Бугун ҳам Отабек ва Кумушнинг покиза муҳаббат диалоглари қалбимни самимий, латиф туйғуларга ошно этаётганини сездим. Муаллиф руҳият ва табиат тасвирига шу қадар нафосат билан ёндашганки, мутлолаа чоғида гаҳрар шодасидек но-зиклик билан терилган сўзлар мағзига етиб, гўёки гўзаллик билан муомала қилаетганга ўхшайсиз. Ана шунда мутлолаа лаззатидан баҳраманда бўлиб, унинг инсонга нақадар ажойиб мўъжизадек таъсир қилиб, нигоҳларимиз китоб устига қадалганда, ҳарф ва сўзлар бир-бирига уланади ва унинг маъносини сезгинизда идрок этиб, қалбдан ҳис қилиб, ўз хотирамизга жамлаб борамиз.

Бугунги кунда ёзувчиликка даъвогар муаллифларнинг китобларни муқовасида эътиборни дарров жалб қиладиган жанговар тасвирларни ёки гўзал қизнинг суратларини қўриб, эңдигина бадий асар ўқитини бошлаган ёш китобхон ади ўтмаслашиб қолмаётганими? Ижодкор учун, аввало, қалб интизомини зарур. Ҳар бир сўзи уйғоқ ва устоз адиблардан бири айтганидек, инсонни сеҳрлаб қўйгудек даражада бўлиши керак. Муаллиф ўз асарига тасвири ҳаётдан қидириши мақсадада мувофиқ, тўқимага ҳадеб куч сарфлаши шарт эмас. Негаки, адабий муҳит орасида таниқд бўлиш, ижодкордан истеъдо, маҳорат ва изланиш талаб этади. Ҳақиқий ижодкор кўнглини самимий тушуна оладиган, адабиётга ҳолис ёндашиб, асло хиёнат қилмайдиган, ҳар бир сўзини авайлаб ишлатадиган юксак қалб соҳибидир.

Маърифат ТЕМУРЗОДА

Qadriyat

бузрукворим айтган давр келди. Асрлар мобайнида ота-боболаримиз китобни қадрлаб, сақлаб келган лавҳлар бугун ҳам оммалашмамоқда. Лавҳ китобни тоза ва озода тутувчи воситадир. Ихчам тарзда тахлангани боис кўтариб юриш ҳам осон. Илоҳи бўлса, кутубхона ва мактабларда ҳам лавҳни жорий этиш керак. Бу китобхонга жуда қўл қўлайликларни яратди.

Лавҳ қаттиқ, чидамли чинор, ўрик, тут, ёнғоқ дарахтидан қилинади. Қурт тушмаслиги учун ёғочи ёзда қирқ кун ҳовуз сувига бўктирилади. Ҳозир моҳир ҳунармандларимиз елим ҳам, миҳ ҳам ишлатмасдан қўп қаватли, уч қаватли мураккаб лавҳлар ҳам ясаб, ҳақиқий санъат асари яратаяптилар.

Маҳмуд АХМЕДОВ,
санъатшунос

Кашфиётларнинг кадрлиси ва инсониятга энг кўп наф келтирадигани бу — китоб! Инсоният тамаддунда унинг ўрни бекиёс. Китоб башариятнинг айрим ихтиролар сингари таъназулга эмас, юксалишга етаклагани билан яна бир қарра аҳамиятлидир.

Бугун интернет оммалашиб бораётгани боис китоб савдоси оксаётгандек кўриниши мумкин, аммо одамларнинг мутлолаага эҳтиёжи ҳамон баланд: чет тилини ўрганишга ихлосмандлар сони кун сайин кўпаймоқда, тадқиқотчилар изланишда давом этаётди, адабиёт муҳлислари эса ёзувчилардан етук асарлар кутаяпти... Шунинг учун китоб дўконлари доимо илм аҳли — ўқувчи ва талабалар, китобхонлар билан гавжум.

Dolzarb mavzu

Салбий ҳолат

...Китоб сотувчининг ҳолатини қузатаман. У ўтган-кетган кишилардан кўзини узмас, наридаги баззоз билан ниманидир муҳокама қилиб қиринглашар, онда-сонда ўткинчи қизларга гап отарди. Қилиқлари шундай бачканаки, ҳеч китоб кўрган кишига ўхшамас, шунинг учунми, харидорлар сотувчини қидириб, бир-бирига аланглашарди.

— Эгаси йўқми китобнинг? — деган овоздан сергалланган йигит ортига ўгирилиб, ичкарига юрди.

— Ҳўш, хизмат!.. Тёмнийми, усти қалин? Беш минг, — деди оқсо-

Ижобий ҳолат

Эски китоблар сотиладиган ўша дўкон доимо гавжум бўлади. Мен бунни китобларнинг яхши сақлангани ва шаҳар шовқинидан холи жойлашгани билан боғлиқ деб ўйлардим-у, негадир фикрим тугал эмасдек туюларди.

Сотувчи ҳар гал қулиб қаршилайди, сўнг ўзбек адабиёти намуналари жамланган жаонга қараб етаклайди. Китоблар шундай дид билан тахланганки, қай бирини танлаган маъқул, дея ўйлаб қолсан.

Дастлаб қўлимга илингани Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган дала-

КИТОБ — МАЪНАВИЙ БОЙЛИК

уни истеъмолчига қандай тақдим этиш зарур?

қолга қараб.

— Нарҳини келиштирасанми?

— Йўқ, бўлиши шу. Тирикчилик қилиб ўтирибмиз, бой ота!

Рост, китобфуруш қора қозонини шу дўкондан қайнатади. Аммо унинг китобни муқоваси рангига қараб баҳолаётганлиги эриш туюлди. Нахотки, сотувчи асар муаллифига заррача қизиқмасми? Унинг олдида ўтиб шивирлаб сўрадим:

— «Бузрукнинг кузи»ми?

— Кимнинг кузи?

— Бузрукнинг... Ўқиганмисиз шу китобни?

— Китоб титкилашга вақт борми?!

— Савдодан қўлим тегмайди.

Тўғриси, яна нимадир сўрамоқчи бўлдим-у, тагин андишага бориб, савол тилимда қолди, китоб дўконини тарк этдим.

Дўконларни айлансангиз, шарт-шароит, қулайликдан шодланасиз. Китоблар туркумларга ажратилган, китобхон ўзига керагини топишда қўп қўнайламан. Аммо излаш асносида шошилибми ё кимнингдир юртиш ҳам осон. Илоҳи бўлса, кутубхона ва мактабларда ҳам лавҳни жорий этиш керак. Бу китобхонга жуда қўл қўлайликларни яратди.

Лавҳ қаттиқ, чидамли чинор, ўрик, тут, ёнғоқ дарахтидан қилинади. Қурт тушмаслиги учун ёғочи ёзда қирқ кун ҳовуз сувига бўктирилади. Ҳозир моҳир ҳунармандларимиз елим ҳам, миҳ ҳам ишлатмасдан қўп қаватли, уч қаватли мураккаб лавҳлар ҳам ясаб, ҳақиқий санъат асари яратаяптилар.

Китобфурушлар учун китоб нима, ўзи? Даромад манбаими ёки маънавий бойлик? Баъзида уларнинг гап-сўзларини эшитиб, дилингиз сиёҳ бўлади. Баъзида эса сотувчиларнинг дунёқарши, теран мулоҳазаларини тинглаб, кўнглингиз ёришади.

Олим ЖУМАОБОВ,
«Ma'rifat» муҳбири

Совунлар ҳам шифобахш

Фарзандларимизда тиббий маданиятни юксалтириб бориш жуда муҳим. Хусусан, инсон саломатлигида улкан аҳамиятга эга совунлардан ўз ўрнида, табиий хусусиятларидан бохабар ҳолда фойдаланишни билишлари зарур. Асалли совунлар ажинларни камайтириб юз терисини юмша-

Bilib qo'lgan yaxshi

тиш, ёшартириш хусусиятига эга. Вазелинли ва глицеринли совунлар юз терисини ташқи таъсирдан ҳимоялайди. Сулли совун юз терисидagi ёғ миқдорини меъёрида сақлашда ёрдам беради. Мойчақли совундан куруқ юз терисини юмшатишда, намлигини асрашда кенг фойдаланилади. Қизилпойча(зверобой)ли совунлар эса юз териси яллиғлинининг олдини олиш хусусиятига эга.

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ

Мактабга нима учун борамиз?

Абдумутал муаллим ёзма ишларни қизил рангли ручка билан текширди. Хатоларини кўрсатиб, камчиликларини сўз билан батафсил ёзиб чиқди. Синов тариқасида баҳо қўймасдан ўқувчиларга тарқатди. Дафтарларини очиб, баҳо қўйилмаганини кўрган болаларнинг ҳаф-

Sizga gapim bor

саласи пир бўла бошлади: «И-е, менга баҳо қўймабсиз-у?!», «И-е, менга баҳо қўймабсиз...». Улар қизил чизик ва ёзувларга умуман эътибор беришмади.

— Хатоларингизни кўрсатиб, камчиликларингизни ёзиб қўйганман-ку. Баҳо қўйилиши шунчалик муҳими?

— Баҳоларимизни кўрсак, суюна-миз-да!

— Қўтилмаган ҳолатта тушганликларингиз учун юрагингиз тубидаги ниятни айтдингиз. Шунча йилдан бери мактабга билим олиш, дунёқарашингизни кенгайтириш учун эмас, баҳоларингиз билан мактабни юриш учун келар экансизлар! Бўлмаса, ёзма ишларингиз қизилда текширилган, хато ва камчиликлар батафсил ёзилган. Уларни бартараф этиш билимингизни оширишга кифоя қилади, шунинг аниқлиги яхши бўларди.

Муаллим шу билан гапига нуқта қўйди. Ўқувчилари жим, ҳулосани қандай чиқаришар экан, шуниси муҳим.

Турсунали ЮСУПОВ,
Риштон туманидаги 33-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси

Хайвонот ва наботот оламининг ноёб турлари қадим замонлардаёқ қирилиб кета бошлаган. Ўн минг йиллар олдин овчилар қўли билан мамонтлар, қалин жулли каркидонлар, гигант буғулар, гор арслони қириб юборилган.

Ноёб жонивор ва ўсимликлар йилдан-йилга камай-

Кечки соат саккизлар чамаси, метрода уйга қайтаялман. Тик турган одамлар деярли кўринмас, ўтирганлар эса ўз ўй-хаёллари билан банд эди. Тўсатдан бир амаки бақириб қолди:

— Қўлларингизни торт, сенларга айтаялман!

Шу пайт ҳамма эшик олдида бир-бирини кучиб олган икки ёшга диққатини қаратди.

— Сенларда уят, андиша деган нарса қолмабди.

Муҳаббатга тушган гўбор

Аввалига мен уларни ўзбек бўлмаса керак, деб эътибор бермагандим. Аммо ҳалиги амакининг гапидан кейин йигитнинг қип-қизариб кетганини кўриб, нотўғри ўйлаганимни тушундим.

— Нима, эшитмадингми?

Йигит ерга киргудек бўлиб, қўлларини қизнинг белидан бўшатди, лекин қиз бошини унинг кўксидан кўтарай демасди. Улар кейинги бекатда тушиб, қочиб қолишди. Ҳали-

Mulohaza

ги амаки эса ҳамон гапида давом этарди:

— Бундай ҳолатларга чидаб бўлмайди. Ёшлар хибобон туғул, кўчанинг қоқ ўртасида ҳам бир-бирини кучоқлаб ўтиришдан уялишмаяпти. Нима, бу муҳаббат изҳор қилишнинг янги кўриниши ёки биз муҳаббатга эски кўз билан

қараб, замонадан орқада қолиб кетдикми?

Отахон ҳақ гапни айтди. Чиндан ҳам, севишганлар учун нигоҳлар тўқнашуви, олисдан бўлса-да, бир-бирларига самимий табассум изҳор этиш, бир-бирининг василини муқаддас тутиш — ахир, шу эмасми муҳаббатнинг асоси. Нима бўлганда ҳам, ёшларимизнинг ўткинчи эмас, абадий муҳаббат соҳибю соҳибалари бўлишини жуда-жуда истаймиз!

Бобур МҲМИНОВ

Хазонларни кўмган маъқул

Олтин кузнинг ташрифи қанчалар саховатли. Ҳосилнинг чўғини чамалаймиз, ҳар бир гўшада тозалаш-ободонлаштириш ишлари, куз-киш мавсумига тараддул бошланади.

Маҳалламизда қўшничилик аънаваларига муносабат ўзгача. Ҳар бир хонадон соҳиби эрта тонгдан ўз уйи олди ва атрофини, ариқ бўйларини турли хас ва хазонлардан тозалайди. Ободонлаштириш ишлари ҳамжиҳатликда катта йўл четлари, ариқ ва зовурлар, давлат ташкилот ва муассасалари атрофига кўчади.

Маҳалла ҳовлиларидан бошланган эзгу иш шаҳар марказидаги коллежимиз атрофида янада жадаллашади. Ўқувчилар теварак-атрофдаги дарахтлар танасини оқлаб, ерга тўкилган барглари бир жойга тўпладилар. Йиғилган чиқинди ва хазон-

ларни нима қилиш керак? Аравачада шаҳар четигадаги сойликка олиб бориб тўкиш ёки ёқиб юбориш тақлифи билдирилди. Шу пайт маҳалла фаолларидан бири Зокир ота келиб қолди:

— Болалар, чиқинди ва хазонларни сойга тўкиш ҳам, ёқиб юбориш ҳам ярамайди.

Сой сувидан ўзимиз ичамиз, экин-тигини-миз ҳам шу оби-ҳаёт билан битади. Ёқадиган бўлсак, ён-атроф заҳарли тутунга тўланади. Барчамиз шу ҳаводан нафас оламиз. Бу саломатлигимизга жиддий зарар. Яхшиси, хазонларни четроқ жойга кўмган маъқул!

Ҳашарчилар чуқурликни қаердан қовлаш кераклигини ўйлай бошлашди. Сўнг бир нафасда ишга киришиб кетишди.

Ситорабону РАЖАБОВА,
Бухоро автомобил ва йўллар коллежи ўқитувчиси

Toshkent shahri
Matbuotchilar
ko'chasi 32-uy.
«Ma'rifat» gazetasi
tahririyatiga

**«Ma'rifat» ga
maktublar**

E-mail:
info@marifat.uz

«Сотувчи хоним» тўққиз ёшда

Яқинда ҳамкасбимиз билан Навоий шаҳрининг марказий буюм бозорига айланиб юриб, атир-упалар сотиладиган дўконга кирдик. Саккиз-тўққиз ёшдаги қизча ўтирган экан. Қўшни дўкондаги сотувчилар ора-сира эшикдан мўралаб, «Сотувчи хоним, қалайсиз? Нимадир сотсангиз, ҳисоб-китобини биздан сўранг, ойингиздан гап эшитиб қолмайлик тагин», деб кўярди. Шу маҳал қизча атир олмоқчи бўлган бир харидор билан нарх устида тортиша бошлади. «Опажон, нақд пулда тушиб беришим мумкин, лекин терминалга арзон қилолмайман. Бу яхши фирманики, ҳиди дарров учиб кетмайди». Харидор нимадир деб эътироз билдирган эди, «милти савдогар»нинг жаҳли чиқиб, тутақиб кетди. Вазият юмшагач,

суриштириб билсак, қизчанинг ота-онаси бугун товар олиб келгани кетишган экан. Қизалоғи вақтинча дўкон «мудирасига айлانгани шундан.

Наҳотки, ҳали ҳисоб-китобини тўлиқ ўрганмаган, сочини эплаб ўзи турмаклай олмай-диган қизчага бу вазифани бир соатга бўлса ҳам ишониб топшириш мумкин?! Ахир дўконга турли ёшдаги қанча кишилар кириб-чиқади. Харидорларнинг эса фазилатлари муомаласи турфа хил. Қолаверса, она сутти оғзидан кетмаган гўдакни пештахта ёнига ўтқазиб, ҳозирдан мол-мулкка хирс қўйишга ўргатиш унинг маънавий тарбиясига салбий таъсир кўрсатмайдими? Энг муҳими, унинг ўқишга бўлган қизиқишини сўндирмайдими?

Зебо КУТЛИЕВА

Оила илмини қайси фан ўрганади?

Оиланинг жамият олдидagi асосий вазифаларидан бири — зурриёт кўриш ва тарбиялаш. Аҳоли сони мақбул кўрсаткичда бўлиб туриши учун ҳар юз оилага 260 нафар бола тўғри келиши керак. Аниқроғи, юз оиладан 60таси 3, 40 таси 2 нафардан фарзанд тарбиялаши лозим. Демографлар ҳисобига кўра, агар бир оилага бир бола тўғри келса, саккиз авлоддан сўнг, яъни 200 йилдан кейин бу халқ йўқ бўлиб кетиши мумкин экан.

Оила ҳақида алоҳида фан йўқлиги боис, унинг турли қирраларини ўндан ортиқ фан ўрганади. Масалан, **этнография** никоҳ-оила муносабатларини халқлар турмуш тарзининг бир бўлаги сифатида тадқиқ этса, **демография** аҳолини ҳамда унинг асосий бўғини бўлимиш оилани турли хил муаммолари, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва тарихий жараёнлар асосида ўрганади.

Ижтимоий география тадқиқотларида аҳоли ва оиланинг ҳудудий тафовутлари комплекс таҳлил қилинади. **Социология** инсон ҳаётининг ижтимоий жиҳатларини, киши-

лик жамиятининг барча ижтимоий муносабатларини ўрганади. **Иқтисодиёт** фани билан **статистика** оила бюджетини, оилавий ишлаб чиқариш ва истеъмолни, меҳнат тақсими-тини ҳамда оиладаги ҳўжалик-иқтисодий муносабатларни тадқиқ этиш билан шуғулланади.

Психология никоҳ-оила муносабатларида намоён бўладиган психологик руҳий ҳодисаларнинг ижтимоий ва табиий сабабларини таҳлил қилади.

Педагогика эса оиланинг болаларга кўрсатадиган таъсирини, тарбия қонуниятлари ва воситаларини, таълим муассасалари билан ўзаро муносабатларини ўрганади.

Демак, оилани турли фанлар асосида ҳар томонлама илмий тадқиқ қилиш зарурати мавжуд. Шундагина иқтисодий юксак, ижтимоий фаол ва соғлом муҳит барқарор оила қуришининг назарий асосларини тўла-тўқис таъсир этиш мумкин.

Д.РОЗИКОВ,
Тошкент ҳарбий округи ҳарбий прокуратурасининг катта терговчиси, адлия лейтенанти

Нажоткоримиз биздан нажот сўрайди

моқда. Бугун умуртқали ҳайвонларнинг 600га яқин тури бутунлай йўқолиб кетиш хавфи остида қолган.

Бир одам бир кеча-кундузда 121 метр куб кислород қабул қилади ва ҳавога 580 литр карбонат ангидрид чиқаради. Ҳаво таркибида-

ги кислород ўрмон ва дарахтзорлар ҳисобига тозаланиб туради. Шаҳарларнинг

Tabiat va biz

кенгайиши ўсимлик дунёсига қиргин келтирувчи омилдир. Жаҳон миқёсида ҳар

йили 150—200 минг километр квадрат майдондаги ўрмон туганмас эҳтиёжлар учун ишлатилади. Бўш қолган ерлар эса чўл зонасига айланади. Оқибатда, ер қурасидаги сув сарфи бузилиб, қуруқчилик ва чўлланиш авж олади...

Шундай экан, табиат ресурсларидан оқилона фойдаланишни ҳар биримиз ўзимиздан бошлашимиз зарур.

Маъмуржон МАТЛАБ ўғли,
ТДШИ қошидаги Юнусобод академик лицейи ўқувчиси

Саҳифани Дилшод
КАРИМОВ тайёрлади.

(Давоми.)

Боши газетанинг 73-сониди.)

Аслида нанотехнологияларга илмий адабиётда жуда кўп таърифлар берилган. Шунга қарамай, қуйидаги таърифлар билан чегараланамиз:

1. Ўлчамлари 100 нм.дан кичик компонентларни ўз ичига олган, тамоман янги сифатларга эга бўлган ва уларни катта масштаб, тўлақонли ишлайдиган системага айлантиришга имкон берувчи объектларни назорат остида яратиш ва модификациялаш усуллари ва услублари мажмуаси нанотехнологиялар дейилади.

2. Нанотехнологиялар 1–100 нм оралиғида алоҳида атом ва молекулалар билан манипуляция қилишга асосланган технологиялар ва усуллар мажмуасидир.

3. Нанотехнологиялар — атомлар ва молекулалар билан манипуляция қилиш орқали олдиндан белгиланган атом структурасига эга маҳсулотларни ишлаб чиқариш усуллари мажмуасидир.

Нанотехнологияларда фаннинг илгор ютуқларидан фойдаланиш уни **юқори технологиялар** қаторига киритишга имкон беради.

Шу ўринда илмий ва оммабоп адабиётларда кенг фойдаланиладиган қуйидаги терминларга тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ:

Нанозаррача — атрофидаги муҳит билан аниқ изодаланган чегараси мавжуд, уч ўлчовнинг ҳаммасида 1 дан 100 нм ўлчамга эга қаттиқ фазадаги яқка жойлашган объектдир.

Нанофан — нанометр ўлчамдаги моддий объектлар ёки уларга қараганда юқори ўлчамга эга, аммо наноўлчамли элементлар асосида маълум тартибда жойлашган тизимларнинг хоссаларини ўрганиш, тушунтириб бериш ва олдиндан айта билишга асосланган билимлар тизимидир.

Наноматериал — ҳеч бўлмаганда бир йўналишда геометрик ўлчами 100 нм.дан ошмаган тизимла элементларини ўз ичига олган ва сифат жиҳатидан янги хусусиятлар, функционал ҳамда эксплуатацион кўрсаткичларга эга материалдир.

Нанотизим техникаси — тўлиқ ёки қисман **наноматериаллар** ва **нанотехнологиялар** асосида яратилган функционал тугал тизим ва қурилмалардир.

Нанотизим техникасининг кўрсаткичлари худди шу мақсадда анъанавий технологиялар ёрдамида яратилган тизим ва қурилмалар кўрсаткичларидан жиддий фарқ қилади.

Наносаноат — нанотехнологиялар, наноматериаллар ва нанотизим техникаси асосида маҳсулот яратиш бўйича фаолият кўрсатиш туридир.

Нанотехнологиялар тарихи

"Нанотехнологиялар" термини янги бўлса ҳам, нанометр ўлчамдаги қурилма ва структуралар ҳаёт билан бир вақтда пайдо бўлган. Инсоният наноўлчамли материалларнинг афзалликларидан қачондан буён фойдаланаётгани маълум эмас. Қадимда

Fan va hayot

одамлар жисмларнинг жуда майда бўлаклари хусусияти жисмнинг ўзи хусусиятларига нисбатан бошқача бўлишини билган. Милоддан олдинги IV асрда Рим шишасозлари ясаган шишаларининг таркибига металл наноарралари киритилган. Ҳозирги кунда Британия музейида Эдонлар қироли Ликургининг ўлимини тасвирловчи "Ликург қадаҳи" сақланмоқда. Олимлар бундай шишаларда ўлчамлари 50–100 нм бўлган 1 фоиз олтин ва кумуш, 0,5 фоиз марганец наноарралари борлигини аниқладилар. Агар бу қадаҳ ташқаридан ёритилганда яшилсимон рангга, ёруғлик манбаси ичкарида бўлганда эса тўқ қизил рангга киради.

Қадаҳнинг бундай ажойиб ва ғаройиб ранглар билан товланиши сабаби шишадаги металл на-

ни ёритганми? Балки, ўзлари билмасдан туриб, нанообъектлар билан манипуляция қилгандирлар?

Нобель мукофоти лауреати, йирик физик олим Ричард Фейнман нанотехнологияларнинг асосчиси деб ҳисобланади. У 1959 йил декабрь ойда Калифорния технология институтидан ўтган Америка физиклар жамиятининг мажлисидаги "Пастда ҳали кўп жой бор. Янги физика дунёсига таклиф", маърузасида башорат қилиб, қатор ғояларни илагари сурди. Шулардан бири наноўлчамли қурилмаларни йиғиш ва улар билан ишлаш мумкинлиги тўғрисидаги ғоя эди.

Табиатда мавжуд барча нарсаларнинг хусусиятлари элементлар даврий жадалидан ўрин олган атомларнинг турига, уларнинг ўзаро жойлашиш тартибига (ёки структурасига) bog'liq бўлади. Шундай экан, биз олдиндан белгиланган хусусиятга эга объектларни атомлардан йиғишимиз мумкин. Бунга табиатда ҳеч қандай тўсиқ йўқ.

Ҳозирги кунда бу ғоя сканловчи электрон микроскопларда амалга оширилди (бу ҳақда кейинги мақолаларимизда тўхталамиз). Ричард Фейнмanning таъкидлашича, ер юзасида ҳаёт пайдо бўлганидан буён биологик системалар узлуксиз ишлаб турган наноқурилмаларни синтез қилади. Биз бундай наноқурилмаларни яратишда табиатдан жуда кўп янги ғояларни олишимиз мумкин. Масалан, бизнинг организмимиз ҳам нанообъектлар билан ажойиб равишда ишлай оладиган қурилмалар — ҳужайралардан тузилган. Ҳужайралар бутун ҳаётимиз давомида нанообъектлар билан ишлайди: турли атомлардан мураккаб модалар молекулаларини тўплаб, уларни функционал вазифаларига мос равишда ўз ядроси, цитоплазмаси ва мембранасига жойлаштиради. Бу жараён ДНК молекуласида «ёзилган» ахборот асосида амалга ошади. Агар биз одамнинг ҳар бир ҳужайрасида узлуксиз юз бераётган нанотехнологик жараёни ўрганиб, уни сунъий равишда қайтара оласак, инсоният олдида мисли кўрилмаган имкониятлар очилар эди.

Ричард Фейнман нанотехнологик инклиннинг компьютерларни такомиллаштиришдаги ўрни ҳақида тўхталади. Унинг фикрича, агар электр занжирларида уловчи симларнинг диаметри 10 дан 100 атом катталигида бўлса (ёки 1 дан 10 нм), ҳар қандай схеманинг ўлчами бир неча юз нанометрдан ортқ бўлмас эди. Бунда компьютерда ишлатиладиган элементларнинг сони миллионлаб марта ошади ва, ўз навбатида, ЭХМ кўрсаткичларида ўта муҳим сифат ўзгариши юзга келади. Компьютерлар мулоҳаза юритиш, таҳлил қилиш, ўз фаолиятига баҳо бериш ва янги ҳисоблаш усуллари топиш ва бошқа имкониятларга эга бўлади.

Комил МУКИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
ФА академиги,
физика-математика фанлари
доктори, профессор

Давоми бор.

БИНОЛАР ЎЗИНИ СОВИТИШИ МУМКИН

Уй томлари учун қўлланиладиган, ёмғир сувини аввалига ўзига шимиб олиб, сўнгра уни чиқарувчи гидрогель асосидаги ҳарорат ўзгаришига сезувчан қопламалардан фойдаланиш маиший совиткичлардан чиқариладиган карбонат ангидрид миқдорини кескин равишда камайтиришга эришиш имконини яратади. Швейцария технологик институти илмий ходимларининг ҳисоб-китобларига қараганда, бундай пассив совитиш идора бинолари томонидан CO₂ газининг чиқарилишини салкам 60 фоизга камайтираётган экан.

Олимларнинг «Такомиллашган материаллар» («Advanced Materials») нашридаги мақоласида баён этилишича, биноларни энг мақбул йўл билан совитиш борасида бош қотиришаётганда инсон биологиясида табиатан мавжуд терморегуляция (хусусан, теридан намликнинг ажралиши)

Izlanish

каби самарали методдан фойдаланиш фикри туғилади. Чиндан ҳам, сув ўз бугланиш кўрсаткичи (тахминан 2 мегажоул/кг)нинг баландлиги туфайли юза ҳароратини пасайтириши мумкин бўлган, ҳароратни идеал равишда назорат қиладиган ўзига хос «восита» экан. Тадқиқотчиларнинг ҳисоб-китобларига кўра, идора биносини самарали совитиш учун куннинг энг иссиқ пайти — тушда 5 миллилитр қатламли сувнинг ўзи етарлидир.

Аввалига сув захирасини яратиш учун швейцариялик олимлар рНЕМА — поли(гидроксизетилметакрилат) асосидаги одатий гидрогелдан фойдаланишни мақсад қилишган. Лекин синовларда ёмғирли об-ҳаводан қўйишга ўтилганда ва, аксинча, шароитлар сунъий равишда яратилганда унинг самарадорлиги кутилган натижани бермаган. Боиси энг юқори қатлам тез қуриб қолиши оқибатида сув бугланишга тўсиқ бўлади ва бугланиш тезлигини сезиларли равишда пасайтириб юборади. Шундан сўнг мутахассислар масалага самарали ечим топиш учун намликни исиш тезлигига пропорционал равишда чиқариш хусусиятига эга материални яратишга бел боғлашган. PNIPAM поли (N-изопропилакриламид) туридаги ҳароратга сезувчан полимер айни муддао бўлди. Бу модда 32 ҳарорат кўрсаткичидаёқ намликни чиқариш хусусиятига эга экан.

Киёслаш учун маълумот: рНЕМА асосидаги гидрогель билан қопланган уй томи тез 45 даражагача исиб, сўнггра термометр кўрсаткичи секинлик билан 60 даражага етган. PNIPAM асосидаги гидрогелли қоплама эса сувнинг бундан ҳам секинроқ бугланиб, бинода салқин об-ҳаво шароити нисбатан узокроқ муддат сақланишига имкон яратади. Тадқиқотчилар 60 даражагача исиб кетган бино томини совутгандан кўра, 30 даражадагисининг ҳарорат кўрсаткичини пасайтирган афзал, дея таъкидлашмоқда. Айни пайтда ҳар икки ҳолатда ҳам карбонат ангидриднинг чиқарилиши электр совитиш (кондиционер)ларга нисбатан анча паст даражада бўлар экан.

Н. ЙҮЛДОШЕВА

Аҳоли ўртасида ахборотга бўлган эҳтиёж кун сайин ортиб бораётган бир пайтда миллий ижтимоий тармоқлар ва веб-сайтларни ташкил қилиш ҳамда аудиториясини кенгайтириш муҳим масалалардан бирига айланди. Масаланинг аҳамиятли жиҳати шундаки, маҳаллий сайтлардаги маълумотлардан ахборот олиш эҳтиёжини қондира олмаган фойдаланувчи турли манфаатларга хизмат қилувчи бошқа манбаларга мурожаат қилиши табиий. Бу эса, ўз навбатида, турли нохуш ҳолатларни юзага келтириши мумкин. Буларни эътиборга олган ҳолда мамлакатимиз аҳолисини, айниқса, ёшларни ўз вақтида сифатли ҳамда ишончли ахборот билан таъминлайдиган, шу билан бирга, миллий менталитетимизга хос кўнгилочар вазибаларни ҳам бажарувчи бир нечта интернет-нашр ва сайтлар ташкил қилинди.

лида сўзлашувчи интернет-фойдаланувчиларига юртимиз ва жаҳонда юз бераётган хабарларни имкон қадар тез, ҳолис етказиб бериш, бундан ташқари, турли манбалар томонидан тарқатилаётган нотўғри, ноҳолис информацияларни асосли равишда рад этадиган маълумотларни етказишдан иборат. Сайтдан бир кунда ўртача 1,5-2 минг киши фойдаланади. Энг юқори кўрсаткич 2,5 мингга етган. Тўғри, бу кўрсаткич биз кутгандан анча кам, лекин сайт ходимлари тезкор суръатда аудиторияни кенгайтириш йўлида мунтазам фаолият олиб боришмоқда.

olam.uz
ЎЗБЕКИСТОН ПОРТАЛИ

Gazeta.uz маъмурияти шуни эътиборга олиб, ўзига хос дизайни ишлаб чиқишга ва уни замон ҳамда аудитория талабларига мос равишда янгилаб туришга интилиб келади. Эътиборлиси, фойдаланувчи талаби ва қизиқишга қараб сайтнинг бир нечта дизайнидан мошини танлаб, асосий кўри-

кин. Кўплаб фойдаланувчиларнинг талабларини эътиборга олган ҳолда сайт асосан материалларни ўзбек тилида тақдим этади.

Бугун ижтимоий тармоқлар ҳам ҳаётимизнинг кўнгилочар қисмини тўлдираётгани кўпчиликка маълум. Интернет мутахассислари берган маълумотларга қараганда, офисда ишлайдиган ишчи бир соатда 30-40 маротаба почтасини текширарди, бир кунда 500 000 киши «Twitter» ижтимоий тармоғидан фойдаланарди. Уларнинг маълум қисмини ўзбек фойдаланувчилари аудиториясини ташкил этаётгани ҳам бор гап. Шу боис мамлакатимиз мутахассислари akkaunt(фойдаланувчининг электрон саҳифаси)ни хорижий сайтлар эмас, ўз анъана ва қадриятларимизни тарғиб қилувчи миллий сайтларимизга жалб этиш ёшлар онгини бунёдкор гоёлар билан ривожлантиришга хизмат қилади, дея таъкидлашмоқда.

Шу мақсадда ташкил этилган ижтимоий тармоқлардан бири «Sinfosh.uz» ҳам самарали фаолият юритишга интилаётган сайтдир. Бошқа ижтимоий тармоқларда бўлгани каби унда ҳам барча хизматлар мавжуд бўлиб, ўзбек тилидаги мазкур сайтда фойдаланувчилар учун қатор қўлайликлар яратилган. «Sinfosh.uz»

МИЛЛИЙ САЙТЛАР

ахборотга бўлган эҳтиёжингизни қондираётими?

Интернет-фойдаланувчиларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилувчи шундай электрон манбалардан бири olam.uz порталидир. Сайт 2011 йилнинг 1 мартида ташкил қилинган бўлиб, ўзбек тилида янгиликларни сифатли, тезкор ва ҳолис етказишни мақсад қилган. Порталга ташриф буюрган фойдаланувчи ундан фақатгина ахборотни ўқишга қолмай, бошқа кўнгилочар хизматлардан ҳам баҳраманд бўлиш имкониятига эга. Хусусан, 2011 йилнинг июль ойидан ишга тушган my.olan.uz ижтимоий тармоғи қисқа муддат ичида Узнет тизимида энг оммабоп ва энг яхши ижтимоий тармоқ сифатида эътироф этилган. Бугунга келиб 125 000 фойдаланувчи рўйхатдан ўтган ушбу тармоқнинг

га ташриф буюрсангиз, сизга Узнет тизимидаги энг тўлиқ тарзда бепул эълонлар рўйхати тақдим этилади. Ушбу хизматдан фақатгина рўйхатдан ўтганларгина фойдалана олади.

Портал маъмурияти фойдаланувчилар учун қўлайлик яратиш ва сайтни янада оммалаштириш мақсадида кўплаб фойдали хизматларни ҳам тақлиф этишган. Улардан бири луғатлар бўлими бўлиб, «Akadem-nashr» нашриётида тузилган, 10 000та сўздан иборат ўзбекча-русча, русча-ўзбекча луғат асосида фаолият олиб боради. Агар ўзингиз учун қизиқ бўлган маълумотни интернет манбаларида чет тилида кўриб қолсангиз ва тушунишга қийналаётган бўлсангиз порталдаги яна бир имкониятдан фойдаланишингиз



SINFOSH.UZ

Бунинг учун биринчи галда бир нуктада «қотиб» қолмай, аудитория ишончини қозониш учун ҳаракат қиляпмиз. Сайтдаги маълумотлар ҳар куни янгиланиб, энг камда 5-6та хабар жойлаштирилади.

Ташкилотчилар оддий хабарлар билан ўқувчиларнинг маълум доирасини йиғиб олганидан сўнг мақолаларни тавсия қилиш, яна маълум бир даражага етганда эса янги лойиҳаларни ишга туширишни мақсад қилган. Сайтнинг бошқа интернет-нашрларидан устунлигини таъминлайдиган асосий омил ҳам шу бўлиши кутилмоқда. Сайт маъмурияти фойдаланувчиларни янада кўпроқ жалб қилиш мақсадида турли мавзуларга бағишланган махсус лойиҳаларни ишга туширишни мақсад қилган. Бу махсус лойиҳалар энциклопедик маълумотнома шаклида тақдим этилиб, у ҳам фойдаланувчилар учун қизиқарли бўлиши шубҳасиз.

Gazeta.uz глобал тармоқда самарали ижод қилиб келаётган мамлакатимиздаги интернет-нашрлардан яна биридир. Шу ўринда бир жиҳатга эътибор қаратиш лозим. Ахборот технологиялари соҳасининг етакчи мутахассислари таъкидлашча, фойдаланувчи қайси сайтга мурожаат қилмасин, унинг дизайни 12 сония ичида эътиборни торта олмаса, бошқасига ўтиб кетиши исботланган факт.

ниш сифатида ўрнатиб қўйиши мумкин.

Ушбу сайт 2008 йил 11 августда ўз фаолиятини бошлаган. Агар сизда бирор-бир теша тегмаган янгилик бўлса-ю, уни бошқалар билан баҳам кўрмоқчи бўлсангиз бу истагингизни gazeta.uz. орқали амалга

газета.uz

фаол фойдаланувчиси кунига 10000 кишидан ошади.

Шу йилнинг апрель ойидан бошлаб порталда янги бир лойиҳа ишга тушди. Бу лойиҳанинг номи VIDEO. OLAM.uz. деб аталиб, Узнет ва интернет тармоғидagi энг қизиқарли видеороликларни жойлаштиришга қаратилган. Бўлим нафақат портал маъмуллари, балки фойдаланувчилари томонидан ҳам мунтазам янгиланиб турилади. Бўлим орқали фойдаланувчилар сўнгги футбол ўйинларидан лавҳалару теша тегмаган латифалар, ҳазилга бой кўрсатувлар, киноларни кўриб, ҳордиқ чиқариши мумкин.

Бундан ташқари, портал бошқа сайтлар билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйган. 2012 йилнинг март ойидан бошлаб tovg.uz сайти билан биргаликда илк ҳамкорлик бўлими, яъни, tovg.olan.uz ишга туширилди. Бу бўлим-

мумкин. Сайтнинг «Онлайн-луғат»и ёрдамида хорижий тилдаги материални таржима қилиб ўқиш имкониятига эга бўласиз.

Фаолияти асосан ахборот етказишга йўналтирилган kup.uz электрон манбаси ҳам бугунги кунда фаол фойдаланувчиларига эга. Сайт қисқа вақт ичида аудитория ишончини қозониш учун самарали иш олиб борди. Kup.uz. тармоғи фаолияти билан қизиққаннимизда сайт раҳбари Мухрим Аъзамхўжаев қуйдагиларни баён қилди:

— Сайт 2011 йилнинг охирида ташкил этилган, лекин унинг фаолияти ҳақида кенг жамоатчиликка 2012 йилнинг январидида маълумот берилган. Шу йилнинг апрель ойида эса Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг тегишли гувоҳномасини олди. Сайтни ташкил қилишимиздан мақсад ўзбек ти-

kun.uz

оширишингиз мумкин. Бунинг учун сайтдаги «Янгилик қўйиш» буйруғини босиб, сўралган маълумотларни киритасиз ва бир неча сонияда хабарингиз сайтга юкланади. Бу хизмат нафақат янгилик, балки фото, видеофайллар юклаш имконини ҳам беради.

Бундан ташқари, сайтдаги «Иқтисодиёт», «Сиёсат», «Жамият», «Технологиялар», «Маданият», «Спорт» бўлимлари орқали маҳаллий ва хорижий янгиликлардан хабардор бўлишингиз мум-

сайти ташкилотчиларининг сўзларига қараганда, асосий мақсад фойдаланувчиларга ҳар томонлама қўлай бўлган ўзбек тилидаги янги, бепул ижтимоий тармоқни яратишдан иборат.

Йиллар давомида турли ҳудудга тарқалиб кетган дўстлар, синфдош ва яқинларимиз, қолаверса, янги, танишлар билан билвосита бўлса-да, «учрашиб», мулоқотда бўлишда айнан «Sinfosh.uz» сайти яхши кўмакчига айланиши мумкин.

Хуллас, тезкор ва ҳолис ахборотни олиш, маълумотга бўлган эҳтиёжни тўғри манбалардан қондириш, қатор қўлайликлар ёрдамида виртуал мулоқот қилиш учун юқорида тилга олинган сайтларга ташриф буюриб, бундан амалда ўзингиз синаб кўришингиз мумкин. Зеро, минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал.

Сурайё СИРОЖИДДИНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

КОМПЬЮТЕР УЧУН
ЯНГИ МАТЕРИАЛ

Бугун яримутказкичлар саноатининг энг асосий элементи кремний эканлиги кўпчиликка маълум. Лекин бир пайтлар электрон нури мониторларни бу элемент асосидаги технологиялар сиқиб чиқаргани каби компьютерларнинг навбатдаги авлоди ҳам кремний элементисиз бўлиши мумкин.

Шу боис АҚШдаги Буффало университети мутахассислари пайти келиб кремнийнинг ўрнини боса оладиган, янги ҳисоблаш тезлигига эришиш имконини берувчи материалларни яратишни мақсад қилишганди. Уларнинг энг янги ихтироси шу кунларда кенг оммага маълум қилинди. Бу ваннадий оксиди асосидаги бронза бўлиб, унинг ўзига хос электр хусусиятлари ахборотни узатиш ва ёзишда шу кунгача қўзғатилмаган тезликка эришиш имконини беради, дейилади «ФизОрг» манбасида.



Материал ваннадий оксидидан ишланган, таркибдаги кўрғошин ҳам наносимдан иборат. Хўш, бу наносимларнинг ўзига хослиги нимада? Таъкидланишича, хона ҳароратида қўзғаланиш пайтида материал «изолятор» ҳолатидан металл ўтказкич ҳолатига ўтиш хусусиятига эга экан. Материал ўзининг бу хусусиятини фақат нано шаклда намойиш этарди. Бу нано шаклдаги материаллар макрообъектларга нисбатан камроқ носозликка эга бўлиши билан изоҳланмоқда.

ГАЗЛИ ИЧИМЛИК КАТТА
ИДИШДА СОТИЛМАЙДИ!

Нью-Йорк шаҳри кўчалари ҳамда оммавий овқатланиш жойларида эндиликда газли ва таркибида шакар бор бошқа ичимликларни катта идишларда сотиш тақиқланди. Маҳаллий соғлиқни сақлаш қўмитаси қабул қилган ҳужжатда ёзилишича, таркибида шакар бор ичимликлар идишнинг ҳажми 0,473 литр бўлиши белгиланди. Янгилик ҳақида Рейтер ахборот агентлиги маълум қилди.



Газли ширин ичимликлар катта идишларда фақат дўконларда сотилиши мумкин экан. Мазкур тақиқ парҳез ва сут маҳсулотларига тегишли эмас. Ҳозирча тақиқни бузганларга 200 доллар миқдорида жазома белгиланган. Янги қоида 2013 йилнинг март ойидан расман қуча киради.

Соғлиқни сақлаш қўмитаси ходимларининг сўзларига кўра, бундай чора-тадбирлардан қўзланган мақсад шаҳар аҳолисининг соғлигини яхшилаш йўлидаги ишларни, хусусан, семизликка қарши курашишни самарали йўлга қўйишдир. Мамлакатдаги Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (Organization for Economic Cooperation and Development) томонидан олиб борилган изланишда маълум бўлишича, америкаликларнинг салкам учдан бир қисми бутун ортиқча вазн муаммосига дуч келади. Тиббий сўғурта маблағининг 10 фоиздан ортиги ушбу касалликлар учун сарфланади. Шу боис ортиқча вазнга сабаб бўладиган омилларга қарши курашиш муҳим аҳамият касб этади, дейди мутахассислар.

Таъкидлаш жоизки, Нью-Йорк катта ҳажмда ширин ичимликлар сотилиши тақиқланган биринчи шаҳарга айланди. Шаҳар маъмурияти мамлакатдаги бошқа шаҳарларда ҳам бу каби тақиқлар қуча киради ушбу тақиқнинг мақсади.

ОЙ ҚОБИҒИНИНГ
ҚАЛИНЛИГИ ЎЛЧАНДИ

Халқаро астрономлар гуруҳи Ернинг табиий йўлдоши қобиғи шу пайтгача аслига нисбатан биров каттароқ кўрсаткичда берилишини аниқлашди. «ГРЭЙЛ» («GRAIL») эгизак самовий зондлар ёрдамида олинган янги натижаларга кўра, Ой қобиғининг қалинлиги юпқароқ экани маълум бўлди. «Табиат янгиликлари» («Nature News») манбасида бу ҳақида хабар берилди.



Мазкур аппаратлар гравитация ва тузилишни ўрганишга мўлжалланган бўлиб, 2011 йилнинг 10 сентябрида космосга чиқарилган. Ойгача етиб бориш учун 3,5 ой вақт сарфлаб, бортида махсус тежамкор траекторияга мўлжалланган тезлашиш блокинни олиб борган. Қурилмалар фаолиятдан қўзланган асосий мақсад Ойнинг гравитацион майдонини ўрганишдир. Айнан улар ёрдамида олинган сўнгги натижаларга таянган ҳолда мутахассислар Ой қобиғининг қалинлиги «Аполлон» самовий экспедициялар пайтида айтилганидек 60 ёки қайта текширилганда белгиланганидек 45 эмас, балки 30 километр экани аниқланди. Қолаверса, охириги маълумотлар асосида олимлар Ойнинг гравитацион майдони унинг рельефи билан боғлиқлигини ўрганишган. Эътиборлиси, бундай ҳолат на Ер, на Марс ва на Венерада кузатилади экан.

НАМЛАНМАЙДИГАН МАТЕРИАЛ
ЯРАТИЛДИ

Голландиялик муҳандислар гуруҳи ўзининг микро-тузилмасига кўра на сув ва на мой билан ҳўланмайдиган материални яратишининг уйдасидан чиқишди. Бу ҳақидаги мақола «Софт Мэттер» («Soft Matter») журналида берилади.

Мамлакатдаги Твенте университети олимлари фотолитография усули ёрдамида ноодатий материал яратишди. Улар материал юзасини кўплаб гиперболоид шаклидаги тиканакли тузилиш сифатида шакллантиришган. Кимёвий ишловдан сўнг материалнинг юзаси сув ва мойни ўзига юқтирмаган.

Янги материалнинг ўзига хослиги шундаки, унинг юзасида томчилар ўзининг сферик шаклини қурий бошлаганда ҳам сақлар экан. Бутунгача мавжуд барча омнифоб, яъни сув ва мойни «юқтирмайдиган» материаллар юзасида суюқлик томчилари узок вақт сақланганда, охири-оқибат намланиши кузатилади. Бунинг сабаби, буғланаётганда томчи ҳажман кичиклашгани боис материал юзасида дўнгликлар орасидан «жой» эгаллайди. Янги материалда эса бу жараён ўзгача кечар экан. Синовлар томчи ҳажман қанчалик кичиклашмасин, намланишга олиб келмаслигини кўрсатди — бунда томчи сферик шаклини сақлаб қолаверган.

Олимлар янги материал ўзида кир йиғмайдиган материалларни яратишда қўл келиши мумкинлигига умид боғлашмоқда.

БОЛА НЕЧА ЁШИДА
ОДИЛЛИККА ИНТИЛАДИ?

Океанортидаги Ҳарвард университети психологлари болаларда эрта ёшда одилликка мойиллик ва ютиб олинган мукофотни муносиб тақсимлаш хусусиятлари кузатилишини аниқлашди. Эътиборлиси, бундай ижобий ҳолат кичкинтойларда аввалгидек 7 эмас, балки 3 ёшдан пайдо бўлиши ҳам қайд этилди. «Компьюлента» манбасида бу ҳақида маълум қилинди.



Америкалик олимларнинг мазкур изланиши кичик ёшдаги болалар худбин бўлади, деган фикрни рад этишга асос бўлиши мумкин. Чунки улар кузатувларда уч ёшиданоқ болалар мукофотни тенг тақсимлаш орқали одилликка интилишини кузатишган. Шу кунгача эса бундай фазилатни бола фақат 7-8 ёшга борганда, яъни ижтимоийлашув жараёни фаоллашгандан бошлаб тушуниб этади, деган фикр мавжуд эди.

Жараёнда олимлар ҳамкорликда ўйинлар ташкил этиб, ютуқ сифатида ғолибларга рангли ўйинчоқларни беришган ва уни ўзи хоҳлаганидек тақсимлашни таклиф этишган. Бунда умумий натижага ҳар бир иштирокчи ўз ҳиссасини қўшган. Лекин энг кўп ўйинчоқларни қўлга киритган асосий мукофотга ҳам эга бўлиши табиий. Кузатувлар болалар олдида қўйилган вазифани яхши уйдалаганини кўрсатди: шериги кўпроқ ҳисса қўшган пайтда, кичкинтойлар ўйинчоқларнинг кўп қисmini унга берган. Тўғри, иштирокчиларнинг барчаси ҳам шундай йўл тутмаган, фақат тўртдан бир қисмидагина одилликка интилиш кузатилаган. Бироқ изланишнинг муҳим томони шундаки, шу пайтгача болалардаги одиллик тушунчаси уларнинг турли воқеаларга нисбатан «бу тўғри, бу нотўғри» деган қараш орқали баҳоланарди. Сўнгги изланишда эса болаларда одиллик тушунчаси биз кутгандан ҳам анча олдин ва умуман бошқача тартибда шаклланиши намоён бўлди.

Наргиза РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.



Давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида фаолият юритаётган 20 мингдан ортиқ грециялик шифокорлар мезёридан ортиқ меҳнат қилинган соатлар учун қўшимча ҳақ тўлаш, иш ҳақининг пайсаси ва солиқларнинг оширилишини тўхтатиш талаби билан норозилик намойишига чиқди.

Германиянинг Фирзен шаҳрида Иккинчи жаҳон уруши давридан қолиб кетган портловчи моддани зарарсизлантириш пайтида иккита турар жой қисман вайрон бўлган, маҳаллий аҳоли ўз вақтида эвакуация қилингани боис ҳеч ким жароҳат олмаган.

Чехияда ноқонуний равишда тайёрланган ва таркибида метил спирти бўлган алкогол ичимлик истеъмоли оқибатида ҳаётдан кўз юмганлар сони ҳозирга қадар 22 нафарга етган, 30 нафардан ортиқ инсон эса ҳамон шифохонада мутахассислар назорати остида сақланмоқда.

Мексика ва АҚШ чегарасида жойлашган қамоқхоналарнинг бирида узунлиги 7, кенлиги — 1,2 ва чуқурлиги — 2,9 метр қилиб қовланган ерости йўли орқали оммавий равишда қочиб кетган 132 нафар маҳбус ҳақидаги маълумот учун маҳаллий хавфсизлик хизмати томонидан 16 минг доллар миқдорида мукофот тайинлангани маълум қилинди.

Озарбойжоннинг Сумгаит шаҳридаги кир ювиш воситалари ишлаб чиқариладиган заводда содир бўлган иккита портлаш оқибатида 5 нафар ишчи ҳалок бўлган, яна 7 нафари жароҳат олган.

Тошкент шаҳар Учтепа тумани Давлат ер кадастри томонидан берилган фуқаро Норкулов Рашид Хусниддин ўғлига тегишли бўлган Учтепа тумани Чилонзор 11-мавзе, 53-уй, 71-хонадоннинг кадастр ҳужжатлари ҳамда хонадоннинг олди-сотида шартномаси, қвитанциялари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси Фарғона вилоят «Баркамол авлод» болалар маркази директори Абдумажид Солиевга онаси

Махбубахон аянинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Кўп қаватли уйлардан бирида яшовчи аёл юқорига кўтарилар экан, қайсидир хонадондан ёш жувоннинг алла айтаётганини эшитиб қолди. Яқинда иккинчи фарзандини дунёга келтирган қўшнисининг келинига, унинг ширали ва мафтункор хиргойисига ҳаваси келди. Гарчанд олти фарзанднинг онаси бўлса ҳам, уларнинг бирортасига алла айта олмаганини афсус-надомат билан хаёлидан ўтказди.

Алла айтмаган она армони (воқеа)

Нега нуридийдаларига алла айтмади? Билмагани учунми ёки уялганими? Сабаби ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаган экан. Саккиз ёшида онасидан айрилган Гулнора ука-сингиллари қатори меҳрга зор бўлиб воға етди. Онаси раҳматли касалманд бўлгани учун уй-рўзгор ишларини бир амаллаб эплар, кўпинча узала тушиб ётгани учун ука-сингилларига Гулнора қарарди. У онасининг алла айтганини сира эслолмайди. Бунга касалмандлиги сабаб бўлганими ёки алла қўлашни билмаганими, бу ёғи қоронғи. Гулнора ўзи алла тингламаган аёл болаларига ҳам алла айта олмаслигига ишонгандек бўлди. Ростдан ҳам шундаймикан? Қайдам?! Ахир гўдаклигида тинглаган аллани қайси бола эслай олади? Йўқ, йўқ, бунда қандайдир ҳақиқат яширин. Халқ орасида «Сут билан кирган жон билан чиқар» деган нақб бор. Алла бола онгига она сuti билан бир вақтда сингади, демак, бу қўшиқни вужудига сингирдиган гўдак уни бир умр юрагида асрайди, табиятан эзгуликка мойил бўлиб улғаяди.

Она қўшни хонадоннинг эшиги олдида бир фурсат туриб қолди. Сеҳрли ва меҳрга қўришиқ алла уни оҳанрабодек ўзига тортарди:

**Алла болам, алла-ё,
жоним болам, алла-ё,
Аллам тинглаб,
қўзичоғим, ухлаб
қолгин, алла-ё!**

Бир ерда қаққайиб туриш ноқулай, вазмин қадамлар билан уйига чиқди. Беихтиёр қизларини турмушга узатиш, неваря қўриш каби манзаралар кўз ўнгиде жонланди. Бу хатоллики қизлари тақоррла-маслиги керак, уларга ўзи билганича аллани ўргатишни кўнглига тугиб қўйди.

Меҳр-оқибат бўлоғи

Амбар она Юнусова бу йил 65 ёшга тўлди. У Пайриқ туманидаги «Дехқонобод» жамоа хўжалигида истиқомат қилади. Турмуш ўртоғи Нурали ака билан оила қурганида 18 ёшда эди, бирин-кетин фарзандлари — Исомиддин, Меҳригул, Баҳриддин, Ўролбой туғилди, уларнинг кетидан яна уч ўғил қўришди. Хаммаси улғайди, бола-чакали бўлди. Бир пайтлар бешиқда ётиб, атак-чечак қадам ташлаган, аклини таний бошлагач, уй-рўзгор ишларида ота-онасига ёрдамлашган болакайлар бутун оила устуни, ўзларидан кўпайишди. Амбар она дилбандларининг юриш-туришида, хатти-ҳаракатида ота-онасига нисбатан ҳурмат-эътибор ва меҳр-муҳаббат дам ошқора, дам яширин тарзда намён бўлишдан мамнуналик туяди.

Амбар она волидама муҳтарамасининг насиҳатига амал қилиб, етти ўғил-қизини билганича алла айтиб улғайтирди. Эҳр сафар фарзанд қурганида хаси аллалари янглигана, юрагининг туб-тубида милдириб ётган оналик меҳри бошқатдан жилолани эди. Мана,

турмуш қурганларига 47 йил бўлди, кўз атрофларига қарилик аломати — ажин тушиди, рўмоли тагида оппоқ сочи яширин. Умр деганлари шу қадр теъзор экан, ёшлик дамларини кўмсайди, айтган аллани эслайди, аммо ортга қайтишнинг илоҳи йўқ. Тўнғич невараларига яқин йилларда айтган аллаларини келинлари

кенжа фарзандларига қўлаётганини эшитиб қолади:

**Кўзганимнинг оку
қораси, алла,
Белгинамнинг
қувватгинаси, алла.
Жонимга жон
бағишлагансан, алла,
Кўзичоғим,
тойчоққинам, алла-ё,
алла.**

Амбар она қадрдон қўшиғини тинглаб, мийиғида жилмаяди, демак, ўғиллари қатори келинлари ҳам уларга ўхшаб қариган чоғда фарзандларидан меҳр-муҳаббат кўради... Илоҳо, шундай бўлсин!

Маданий-маърифий марказ

Республика байналмилал маданият марказида «Алла уйи»нинг иш бошлаганига ҳали кўп бўлмади. Ўзбекистон мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги арафасида очилган маданий-маърифий марказнинг тақдирот маросими 2009 йилнинг 29 август кўни ўтказилди. Албатта, ҳар қандай ишга киришишдан аввал пой-деворини яратиш керак. Даб-дурустдан, узокни кўзламай, наридан-бери бошланган иш ора йўлда қолиб кетади, ҳеч қандай натижага эришилмайди. Кўп йиллардан бери халқ озғани ижоди намунаси — алланинг тарихи, мазмуни, сюжети ва композицион қурилмаси, қўлаш оҳанги ҳақида илмий изланиш олиб бораётган олима Мунаввара Ёқуббекова ушбу марказ фаолиятини ташкил этишга киришиб, савоб ишга бош-қош бўлди.

— Ўзбек халқи болажон, унинг турмуш тарзини фарзандларига кўрсатадиган меҳр-муҳаббатсиз ва ғамхўрликсиз тасаввур қилиш қийин. Бу меҳрнинг юксак кўриниши гўдакка айтиладиган аллада, айниқса, ўзгача намён. Хизмат юзасидан юртимизнинг барча вилоятларида бўлганман, оналару келинлардан, момолардан юзлаб аллаларни ёзиб олганман. Германия, Туркия, Россия, Озарбойжон давлатларида бўлиб, турли миллатга мансуб оналар қўшиғини тинглаганман, матиларини йиққанман. Шунга амин бўлдимки, алла қайси тилда, қандай шaroitда айтилмасин, унда болага аталган энг илқ ва жўшин тилақлар мужассам, оҳангларда муштараклик бор экан.

Узоқ йиллар мобайнида тўпланган аллаларни яна халққа тақдим этиш керак, деган ниятда бошлаган ташаббусимиз кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланди. Марказ нафақат ёш ўзбек оналари ва турмушга чиқиш арафасидаги қизларни, балки Ўзбекистонда туғилиб, шу юртнинг фуқароси бўлиб қолган ўзга миллат вакилларини ҳам ўз теварагига жипслаштирмоқда.

«Алла уйи» замонавий аудио, видео ускуналари, алла айтиш, гўдакни парваришладасқа асқотадиган буюм ва ўйинчоқлар, илмий-услубий адабиётлар, тасвирий ва ашъвий кўргазмалар билан жиҳозланган. Турли халқларнинг болани ухлатиш учун айтадиган қўшиқлари билан бир қаторда ёзма адабиётда алла жанрида яратилган намуналар ҳам сақланди. Биз бу қўшиқлар-

Зайнабхон ая Бозорбоева, 76 ёш, Андижон вилояти, Марҳамат тумани:

— Беш қиз, тўрт ўғилнинг онасиман. 20дан ортқ неварам, 4 нафар чеварам бор. Тўнғич фарзандим туғилганида раҳматли қайнонам Тиллахон ая «Болангизнинг зуваласи пишиқ бўлсин десангиз, уни кўкрак сuti билан бокинг. Бешикка белаб, ухлагунча алла айтинг», дея насиҳат қилгани эсимда. Онам раҳматлининг ука-сингилларимга айтган аллалари қўлоғимга сингиб қолган экан. Гўдақларимни бешикнинг тебранишига ҳамоханг тарзда алла айтиб ухлатганман:

**Юлдузим десам-да оз,
Кундузим десам-да оз.
Дунёда нима гўзал
Бўлса, ундан ўзинг соз.
Алла-ё, алла, алла,
Ухла, юлдузим, алла.**

Олтин мерос

миллий қадриятлар катта ёшлар томонидан кенжа авлодга шахсий ибрат орқали етказилади.

Ёрқиной Эрназарова, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси, 24 ёш:

— Хоразм вилоятининг Янгиариқ туманида туғилганман. Мактабда ўқиб юрган чоғларимиз алла, лапар айтиш, ёр-ёр қўлаш бўйича кўрик-танловларда қатнашардик. Аноргул момонинг ўргатган аллаларини айтиб, қолиб ҳам бўлганман. Улғайдим, оила кўрдим, фарзандли бўлдим. Ўғлим Беҳрўзбек 5 ёшга тўлди, унга нафақат алла айтдим, балки ўзбек халқ қўлларини ҳам қўлоғига сингирдим. Оналик бахтига эришган айрим тенгқўрларимнинг бешик ёнида асабийлашиб ўтиришини кўрсам, жажлим чиқади. «Болангизга алла айтинг, бирпасда ухлайди», дейман ярим ҳазил, ярим чин қилиб. «Ўзингиз алла айтишни биласизми?» деб сўрайди улар. Ҳа, биламан, мана ўрганиб олинг, дея билганимча хиргойимни бошлайман:

**Алла айтай, жоним
болам, кўзим қароси,
алла,
Кўзичоғим тинглаб
нолам, ухлаб
қолгин, алла!**

Инсоний фазилатларни қарор топтиради

Гўдак алла тинглаши, она алла қўлаши лозим. Қўшиққа қўришиқ сеҳр, юракка жойланган меҳр болага руҳий таъсир этиши, унинг келажакдаги тақдирида ижобий роль ўйнаши ҳақида «Оила» илмий-амалий маркази мутахассиси Дилором Муродованинг фикр-мулоҳазаларини эшитиш мақсада мувофиқдир:

— Бу қўшиқ инсон руҳиятига, феъл-атвориға қанчалик даражада ижобий таъсир кўрсатиши ҳақида кўп гапириш мумкин. Момо ва бувиларимиз аллага инсоний сифатларни қўшиб айтишса, бола келажакда айнан шундай феъл-атворга эга бўлган. Масалан, «Дардимга дармоним болам» дея аллалардан гўдак улғайиб, шифокор бўлган. «Пахлавоним, кўзим қароғи, белимнинг қуввати, жонимнинг малҳами» каби эрқаловчи таърифлар ҳам бола руҳиятида айнан шундай фазилатнинг шаклланишига хизмат қилади. Аллани қачон ва қандай оҳангда қўлаш керак? Албатта, бола ҳаётининг илк кўнларидан бошлаб унинг вужудига сингирдирган алланинг аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Бу қўшиқни бола улғайиб, 13-14 ёшга етган паллада ҳам ўзгача маънавий. Чунки онанинг орзу-ҳаваслари, дуолари, тилақлари кўп. Менимча, алла айтиладиган ёшани ҳам, шароитни ҳам чегараламаслик керак. Шундагина фарзандларимиз аллада ифодаланган хислатлар эгаси бўлиб улғаяди.

**Мен сени-ё алла қилай,
алла-ё алла
Кўтариб-о катта қилай,
алла-ё алла
Осмондаги юлдузим-о,
алла-ё алла
Дарёдаги кундузим-о,
алла-ё алла**

... Бокий қўшиқ ҳар бир ўзбек хонадонига абадий жарағлайверсин!

Хулқар ТҶИМАНОВА

БОКИЙ ҚҶШИҚ



ни «Байналмилал алла қўшиқлари» фестивалини ўтказиш натижасида тўпланганимиз. Бешолти йил аввал алла ҳақидаги баҳс-мунозаралар тор доирадаги айрим давраларга хос бўлса, бугунги кунда аллага муносабат ўзгарди, баркамол авлодни воёга етказишнинг синовида ўтган илк воситаси сифатида эътибор этилмоқда, — дейди «Алла уйи» маданий-маърифий маркази раҳбари, филология фанлари доктори Мунаввара Ёқуббекова.

Кўпни кўрган кўп билар

Ёши улуг онахонлар даврасида бўлсангиз, улар ўз ички оламидаги яширин қирралари билан сизни лол қолдиради. Турмушининг пасту баландини кўрган, аччиқ-чучугини тати-ган, мушкул вазиятларда қандай иш тутишни биладиган момо ва бувиларимизнинг фарзанд тарбиялаш борасидаги тажрибаси келинларга, ёш қизларга сабоқдир. Ўғил-қизларини алла айтиб улғайтирган, бугун эса неваря-чеваралари кўршовида юрган онахонлар билан юзлашсангиз, маънавий озуқа олсангиз, улар кундалик ҳаётда асқотадиган панду насиҳатлари билан сизни мушкул вазиятлардан олиб чиқади.

Уй-рўзгор ишлари камлик қилганидек, ёш келинлар бешик билан далага отланардик. Бригадиримиз дала шийпони-ни «бола богча» қилиб қўйган эди. Шу богчага қўпинча мени масъул қилиб тайинларди, чунки мен айтган аллалар туфайли чақалоқлар тезда ухлаб қолишарди. Бир кўни вилоят раҳбарлари шийпонга келиб, алла айтаётганимни устидан чиқиб қилишганида уялганамо қўшиғимни тўхтатибман. Шунда улар «Айтаверинг, синглим, алла катталарга ҳам ёқади», дея мени хижолатдан кўтарди. Улар кетишган, раис бир қиймлик атлас совға қилганди.

Ҳозирги турмуш тарзимиз бутунлай бошқача, имкониётлар бир бисёр, замонавийлиқнинг европача кўринишлари кўпайди. Бирок нима бўлишидан қатъи назар, қизлар турмуш-га чикмасидан аввал алла айтишни билса, дейман-да. Чунки алла тинглаб униб-ўсган бола ота-онасига камарбаста бўлади, Ватанининг, элининг хизматиға шай туради.

Ёшлар ҳам анойи эмас

Катта авлод билан кичик авлод ўртасида тафовут сақланса-да, ҳар иккисини бир-бири билан боғлаб турадиган жихатлар бисёр. Урф-одатлар ва

ЎҚУВЧИНИНГ БЎШ ВАҚТИ

спорт тўғрисида мазмунли ўтмоқда

Юртимизда ёш авлоднинг жисмонан соғлом, маънан етук бўлиб камол топишига катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан кўпгина хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, имконияти чекланган ва тиббий ёрдамга муҳтож, кам таъминланган оилалар фарзандларини спортга кенг жалб этиш мақсадида уларни соғломлаштириш ишлари олиб борилмоқда.


Яккасарой туманидаги «Қушбеги спорт» болалар спорт мажмуасидаги 14та спорт тўғрисида 825 нафар ўғил-қиз мунатазам равишда шугулланиб келмоқда. 27 нафар устоз-мураббийлардан сабоқ олаётган бу ёшлар турли спорт мусобақаларида, жумладан, «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасининг шахар босқичида 1, 2-ўринни қўлга киритмоқда. Бу ҳақида мажмуа директори Равшан Гафуров шундай дейди:

— Мажмуада тўғра рақларга иштиёқ билан қатнаб, муваффақиятларга эришадиган ёшлар талантигина. Ушбу спортсавар ўқувчилардан 342 нафарини қизлар ташкил этади ва улар бадий гимнастика бўйича турли кўрик-танловларда иштирок этишмоқда. Иқтидорли ёшларимиз орасида кам таъминланган, имконияти чекланган ўғил-қизларга БСРЖ Тошкент шахар филиали томонидан алоҳида эътибор қаратилиб, уларга спорт кийимлари ва совғалар тақдим этиб келинапти. Жорий йили масканимизда стол тен-



тирок этиш учун йўлланмани қўлга киритди.

Ҳақиқатан ҳам, спорт масканидаги ютуқлар яратилган шaroitлар бил-



Bolalar sporti

лан ҳамоханг. Ахир айнан шундай масканларнинг умидли ёш спортчилари бугун мамлакатимиз,

эртага эса халқроқ ва жаҳон миқёсидаги мусобақаларда иштирок этиб, Ўзбекистон номини шарафлайди. Эрта ёшдан спортга меҳр қўйиб, тинимсиз ўз устида ишлаш улкан ютуқларга замин яратаяди.

— Бугунги кунда таълим муассасаларидаги ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ҳамда спорт мажмуалари имкониятидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш мақсадида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда Тошкент шаҳрида жами 253та спорт мусобақалари ўтказилиб, уларга 69 910 на-

фар ўқувчи жалб этилди. Булардан 17 834 нафарини қизлар ташкил этади. Ушбу тадбирларга 107,6 миллион сўмлик совғалар ажратилди, — дейди БСРЖ Тошкент шахар филиали бош мухассиси Йўлдошхўжа Акбаров. — Шу билан бир қаторда, мусобақалар ўтказиш тақвим режасига кўра, шаҳримизнинг барча туманларида жойлашган спорт мажмуалари ҳамда умумтаълим мактаблари спорт иншоотларида спорт тадбирлари ва мусобақалари ташкиллаштириб келинмоқда. Жорий йил кам таъминланган оила фарзандлари ҳамда имконияти чекланган болаларнинг саломатлигини тиклаш учун спорт иншоотларида қўшимча тўғрақлар ташкил этилди.


Бугун ёш авлодни замонавий билимга эга, соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, муваффақиятларга эришадиган ўғил-қизларни муносиб рағбатлантириш келажақда ўз мевасини бериши шубҳасиз.

Гуля ОРИФЖОНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Б.РИЗОКУЛОВ
олган суратлар.

Пойтахтимиздаги Республика олимпия заҳиралари теннис мактаби кортларида якунига етган «Тошкент очик чемпионати» ("Toshkent Open-2012") анъанавий халқаро турнирининг яккалик баҳсларида финалга қадар етиб келган руминиялик Ирина-Камелия Бегу ва хорватиялик Донна Векич ўртасида кечган матч 6:4, 6:4 ҳисобида Бегу фойдасига ҳал бўлди.

Жуфтликлар ўртасидаги ҳал қилувчи мусобақада эса польшалик Паула Кания ва белоруслик Полина Пекхова бош совринга эга бўлди.



СПОРТЧИ МОЛИЯЧИ БЎЛМОҚЧИ

Лондонда бўлиб ўтган ёзи олимпиада ўйинларида 4x100 метрга эркин усулда эстафета сузиш баҳсида олтин медалга сазовор бўлган франциялик иқтидор соҳиби Клеман Лефер кутилмаганда катта спорт билан хайрлашадиган бўлди, деб хабар берилди «Nice Matin» нашрида.

25 ёшли олимпиада чемпиони Ницца шаҳридаги халқаро нуфузга эга «EDHEC» тадбиркорлик мактабида таҳсил олишга қарор қилди. У Жанубий Калифорния университетида таҳсил олаётган чоғлари сузиш билан жиддий шугулланиб бошлаган ва жуда қисқа давр ичида оламшумул ютуқларни қўлга киритишга улгурди.

Бироқ Лефер ҳеч қачон ўзини кучли сузувчи деб ҳисобламаган. Шунинг учун ҳам сузишни тўхтатиб, молия йўналишида ўқишни давом эттирмоқчи.



ЖАМОАВИЙ ҒАЛАБА БАҲОСИ

Велоспортнинг шоссе тури бўйича Голландияда ўтказилган эркаклар ўртасидаги жаҳон чемпионатида белгияликларнинг «Omiga Pharma-QuickStep» жамоасига тенг келадики топилмади.



Белгияликлар Ситтарддан Валкенбург шаҳригача бўлган 53,2 километрлик масофани орта қолдириш учун 1 соат 3 дақиқа ва 17,17 сония вақт сарфлади. Айтиш жоизки, белгиялик Том Боонен ва Кристоф Вандевалле, француз Сильвен Шаванель, немис Тони Мартин, голланд Ники Терпстра ва словакиялик Петер Велитс мазкур жамоада ҳаракатланди.

Американинг BMC жамоаси спортчилари эса голиблардан атиги 3,23 сония ортада қолиб 2-ўрин билан кифояланишди. Бронза медали эса австралияликларнинг «Orica-GreenEdge» жамоасига насиб этди. Улар белгияликлардан 47,06 сонияга кечикишди.

Kitob.uz да on-line мулоқот!!!

Республика болалар кутубхонасининг www.kitob.uz сайтида юртимизнинг севимли шоир ва ёзувчилари билан тўғридан-тўғри on-line мулоқот ташкил этилди. Ушбу мулоқот давомли тарзда ўтказилиб, навбатдаги **online мулоқот** Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов иштирокида жорий йилнинг 20 сентябрь куни соат 10⁰⁰ дан 11⁰⁰ гача ташкил этилиши кўзда тутилган.

Эслатма: kitob.uz сайтида саволларни олдиндан юбориш имкони мавжуд. Энг қизиқарли савол эгалари мукофотланади.

Online мулоқотнинг web манзили:
www.kitob.uz , www.forum.kitob.uz

Хурматли Холида АҲОРБОВЕВА!

Сизни таваллуд айёминингиз ва қутлуг 50 ёшингиз билан самимий қутлаймиз. Ёш авлод таълим-тарбияси йўлида олиб бораётган меҳнатингиз ёш педагоглар учун ибрат. Она тили ва адабиёт фанини ўқувчиларга илғор педтехнологиялар асосида ўргатиб келаётган устоз сифатида қадрлаймиз. Сизга бахт-саодат, келгуси ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Сергели туманидаги
300-мактаб жамоаси





«O'ZBEKISTON» nashriyot-matbaa ijodiy uyi



«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi tashkilotlarini hamkorlikka taklif etib, nohirlik va matbaa mahsulotlarining barча tur-larini, jumladan:

- badiiy va bolalar adabiyoti;
- ijtimoiy-siyosiy adabiyotlar;
- ensiklopediyalar;
- rangli va bezakli mahsulotlar (albomlar, plakatlar, bukletlar, adres panjalari va boshqalar);
- qat'iy hisobda turuvchi raqamli blankalar, chek va ruyxatga oluvchi kitoblar;
- ukuv anjomlari (umumiy daftarlar, kundaliklar, rasmlar daftarlari va boshqalar);
- import urini bosadigan xalq iste'moli mollari;
- A4 va boshqa formatlardagi ofis-xujalik qog'ozlari, kancelyariya kitoblari va boshqalarni shartnoma asosida, kiska mudatlarda, yuqori sifat darajasida, kelinilgan narxlarida tayyorlab bershini ma'lum qiladi.

Мурожаат учун манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100129,
Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 30.
Телефонлар: 244-34-01, 244-38-93, 244-37-81
Факс: (371) 244-38-10, 244-87-55.
e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz
Web: www.iptd-uzbekistan.uz

Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin ARIPIANOV, Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Farrux JABBOROV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Baxtiyor YOQUBOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari), "Учитель Узбекистана", Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



INDEKS: 149, 150. Г-918.
Tiraj 33473.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar saqlanmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, o'ly va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar:
Malohat TOSHOVA,
Liliya BINASHEVA.
Navbachi muharrir:
Behzod FAZLIDDINOV.
Navbachi:
Sherali NAMOZOV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi boshmaxonasi.

Korxona manzili:
«Buyuk Taron» ko'chasi, 41-uy

Uzl xujumi — 00.40
Topshirildi — 00.55